

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Касб таълими факультети 5140901 - Касб таълими (иқтисодиёт)
бакалавр таълим йўналиши талабаси
Абдураимов Валишернинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: «Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситалари ва
улардан фойдаланиш истикболлари» мавзусини замона-
вий ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш

Раҳбар:

С.Н.Ҳамраева

Маслаҳатчи:

Д.Қ.Абдиева

Иш бажарувчи:

В.А.Абдураимов

«Ҳимояга рухсат этилди»

«КТ ва П» кафедраси

муdiri

доц. З.Л.Ботиров

«25» 06 2013 й.

«Ҳимоя учун ДАК га юборилди»

«Касб таълими» факультети

декани

доц. Қ.С.Жуманазаров

«25» 06 2013 й.

ҚАРШИ-2013 й.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Ҳасб таълими факультети
Ҳасб таълими (иқтисодӣ) таълим йўналиши

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

каф.мудир
доц. З.Л. Бондар
(имЗО, ф.и.ш)

« 28 » 11 2012 й

Битирув малакавий иши учун

ТОПШИРИҚ

Талаба Абдураимов Бахит га

1. Малакавий иш мавзуси 2. Фермада кўрсатилган
институтнинг № 543/7 буйруғи билан 28.10.2012 да тасдиқланган.
2. Малакавий ишни топшириш муддати 21.06.2013 йил
3. Малакавий иш учун маълумот Президент асфидар, доқун
ва фармоишлар, иттиҳомий-иқтисодий,
педагогик, методик, адабиётлар, дарсликлар.
4. Ҳисобий изох қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган савол-
лар рўйхати) 1. Қирғиз, ораи ва мавзунга тавсифи.
2. Ҳисобий методикасининг тузилмаси масалалари
3. Иттиҳомий-иқтисодий масалалар маълумоти
4. Назарий даре уттиҳомий методикаси.
5. Асосий маълумот тузилмаси методикаси.
6. Қирғиз. Адабиётлар рўйхати. Мундарижа.
5. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графикалар)
Тавлиҳи воситалари. Массоабий ҳисобий
ташкил. 2-йил тузилмаси. Тузилмаси вазири
тавсифи расм. Қирғиз кўрсатилган ишлар
қирғиз воситаларининг тузилмаси.
Моддий-техник ресурслар тавсифи. Тавсифи.
6. Малакавий иш бўйича маслаҳатчилар Ҳисобий методикаси
Бўйича маслаҳатчи: Ҳисоб
Абдуллаев Д.

7. Малакавий ишини бажарилиши бўйича календар график

Хафталар сони	Малакавий иш бўлимлари	Малакавий ишнинг ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан %	Бажарилганлиги тўғрисидаги белги	Изоҳ
I	Ғириф Фан во тав. зун тавсари	11	9,6	ба таврида	яқини
II	Ғириф иш иқтисоди иқтисоди ма самалар	33	28,7	ба таврида	яқини
III	Ғириф иш иқтисоди ма самалар ма мура	41	35,7	ба таврида	яқини
IV	Навзун ма зарин дари иқтисоди иқтисоди ма самалар ма мура	11	9,5	ба таврида	яқини
V	Навзун ма зарин ма мура иқтисоди иқтисоди ма самалар ма мура	10	8,7	ба таврида	яқини
VI	Қулос қулос ма самалар ма мура	9	7,8	ба таврида	яқини
	Ҳисоб	115	100%		

Малакавий иш раҳбари

Ташриф

С. Хамраева

Топшириқ олинган кун

30. 11. 2012 й

Талаба

Абду

Абдураҳмон Валиев

Кириш

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисидаги” Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да кўрсатиб ўтилганидек ўқув-тарбия мазмуни ва сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, юксак касбий, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Касб ҳунар коллежларида малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилган чунки малакали кадрлар тайёрлаш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, иқтисодиётни кўтаришга қодир бўлган ёшлар кадрлар тайёрланади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги муносабат босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболлари йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да баён этилган. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлагандек “2013-йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин тутиши даркор. Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6-йил ичида жами 13896 та трактор, 3960 та трактор тиркамаси, 3603 та культиватор, 1076 та дон ўриш комбайни ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинган.

Президентимиз ҳисобот йилида таълим соҳасида ҳам тўхталиб, таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи доимий равишда эътиборда эканлигини таъкидлаб ўтди. Янги касб-хунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилганлигини касб хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлигини ҳамда ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооператив алоқаларнинг турли шаклларида фойдаланиши, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим ҳал қилувчи йўналиши бўлганлиги айтиб ўтилди.

Амалга оширилган чора тадбирлар нитажасида коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашган.

Битирув малакавий иш мақсади: қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга қаратилагн илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Шу билан биргаликда касб-хунар коллежларида “Фермер хўжаликларининг ишлиб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари” мавзусида назарий ва амалий дарс ўтиш ишланмаси ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий иш вазифалари:

Ушбу мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди ва ҳал этилди.

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг назарий асослари ёритиб берилди.

-қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларини шакллантириш манбаларини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

-фермер хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинди.

-янги техника ва технологиялардан фойдаланишнинг ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини аниқлашга қаратилган илмий таклифлар берилди.

- мамлакатни модернизация қилиш шароитида қишлоқ хўжалигини моддий техника ресурслари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш йўллари очиб берилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти: битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти шундаки, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фермер хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги қайд этиб ўтилган ҳолатлар билан биргаликда фермер хўжаликларини риожлантиришда юзага келаётган энг муҳим муаммолардан бири уларни моддий техник жиҳатдан таъминлашда қишлоқ хўжалигини модернизациялашда асосий ва айланми фондлардан самарали фойдаланишда намоён бўлмоқда. Ушбу муаммолар мавжулиги боис қишлоқ хўжалигида асосий ва воситалардан самарали фойдаланишни такомиллаштириш битирув малакавий ишнинг долзарблигини белгилайди.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ 115 бетдан иборат бўлиб кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

- ўқув жараёнида педагогик технологиялар ва интерактив методларни қўллаш натижасида таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишни кўзда тутган ҳолда назарий ва амалий дарс ишланмалари ишлаб чиқилди;

- коллежда замонавий дарс ўтиш учун керакли тарқатмали материаллар, инструкцион технологик хариталар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми----- бетдан иборат бўлиб, кириш, 5 бўлим, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

1. Фан ва мавзунинг тавсифи

1.1. “Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти” фанининг мутахассис тайёрлашдаги ўрни

Касб-хунар коллежларида ҳар бир мутахассис тайёрлайдиган йўналишда ушбу мутахассислик учун алоҳида ўқув режаси тузилади.

Иқтисодий коллежларда ўрганилиши лозим бўлган фанлар рўйхатига “Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти” фани ҳам киритилган. Бу фаннинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат.

- Бозор иқтисодиёти табиатига мос келувчи ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларининг хўжаликда амал қилиши хусусиятларини аниқлаш;

- қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда деҳқон қв фермерхўжаликларининг мақсадга мувофиқ ишлаб чиқариш ҳажми, ихтисослашуви ва тармоқ таркибини асослаш;

- қишлоқ хўжалигини ишлабчиқаришни ташкил этиш ва унинг технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган тадбирлар самарадорлигини техник-иқтисодий баҳолаш усуллариини ўрганиш;

- ишлаб чиқариш ҳаражатлари, таннархи ва баҳонинг шаклланиш тамойилларини тадқиқ этиш: каби қатор вазифаларни ўрганади.

Шундай қилиб ушбу фан хўжалик юритишда амал қилинадиган объектив иқтисодиёт қонунлари ва ишлаб чиқариш муноасбатларини ўрганади.

1.2.Дехқон ва фермер “хўжаликлари иқтисодиёти” фанининг бошқа фанлар билан узвий боғланганлиги.

Ҳар қандай мутахассис тайёрлашда йўналишига қараб табиий, ижтимоий-иқтисодий, техникавий технологик, педагогик фанлар ўрганилади. Шунинг учун ушбу фанни ўрганишда юқорида кўрсатилган фанлар ютуғига таяниб таълим олиб борилади.

“Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисоди” фани қишлоқ хўжалиги умумий иқтисодий қонуниятларининг муайян бир хўжалк шароитида амал қилиш хусусиятларни ҳамда хўжадик амалиётда улардан фойдаланиш усуллари ўргатади.

“Дехқон қв фермер хўжалиги иқтисоди” фани иқтисодий фан бўлиб, бошқа иқтисодий фанлар сингари, ухам чекланган ресурслар шароитида моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида инсонларнинг ҳатти-ҳаракатини тадқиқ этади.

Бу фан фермер хўжаликларини ташкилий-иқтисодий жиҳатдан асослаб беради, уларнинг назарий, амалий ва услубий масалаларини ишлаб чиқишда кўмаклашади.

Ижтимоий-иқтисодий фанларга иқтисодий назария, маркетинг, менежмент, молия, бухгалтерия каби бир қатор фанлар кириб, бу фанни ўрганиш муҳим база бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий йўналишда ўқийдиган касб-хунар коллежларида ўқитувчи бўлиб хизмат қилишга мўлжалланганлиги сабабли касб таълим йўналиши талабаларига педагогика, психология, ўқитиш методикаси каби бир қатор фанлар ҳам ўқитиладигани, натижада бир бутун бирликни ташкил этувчи ўқиш жараёни юзага келади. Демак, ҳар қандай мутахассис тайёрлашда ўқувчи фанларнинг узвий боғлиқлигига таянган ҳолда таълим бериши лозим.

1.3. Касб хунар коллежларининг мақсад ва вазифалари

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бўлажак кичик мутахассисларнинг иқтисодий

тайёргарлигини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Ўрта махсус, касб – хунар таълими муассасалари ўқувчилари онгини иқтисодий тушунчаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш иқтисодий таълим тарбия бериш ҳозирги замоннинг асосий талабларидан биридир.

Бу талабларни амалга ошириш учун Президентимиз томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий ҳамда Таълим тўғрисидаги қбул қилинган қонунлар кадрлар тайёрлаш тизимини кенг кўламда ислоҳ қилишнинг ибтидосидир.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўрсатиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш касб хунар коллежларида таълим тарбиянинг замонавий шакл ва усуллари тadbиқ этишни янгича ёндашувларини таққозо этади.

Касб – хунар таълимининг ўзига ҳослиги унинг таълим ва ишлаб чиқариш туташган жойда вужудга келишида ўз ифодасини топади.

Касб – хунар таълими муассасаларининг асосий вазифалар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Республикамиз иқтисодийтимизнинг барча соҳаларига ҳар томонлама камол топган

юқори малакали кенг ихтисосли, меҳнат бозорида рақобатбардош кичик мутахасислар тайёрлаб бериш:

- Ёшларнинг умумий ва касб-хунар таълимини амалга ошириш:
- Ўқувчиларга миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, уларда юқори ахлоқ, одоб, ватан ва меҳнатга муҳаббат каби шахсий фазилатларни таркиб топтириш:
- Ўқувчиларни эстетик ва жсмони тарбиялаш кабилар.

Касб – хунар коллежлари эгаллаган касб – хунар бўйича ишлаш ёки таълимнинг навбатдаги босқичида давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус касб – хунар таълими беради.

Касб – хунар коллежи ўқувчиларнинг касб – хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни танлаган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус каб хунар таълими ҳисобланади.

Касб- хунар коллежларининг битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар юқорида зикр этилганидаек таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки

эгаллаган ихтисослик ва касб – хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Шундай қилиб касб – хунар коллежлари келажакда ўзининг кадр қимматини англайдиган иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётга аниқ мақсад сари интилувчан ёш авлодни тарбиялашда асосий рол ўйнайди.

2 . Ўқитиш методикасининг умумий масалалари

2.1 Дидактика, унинг тамойиллари ва қонун қоидалари

Дидактика – таълим назарияси тушунчасини англатади. Таълим назарияси таълим-тарбия жараёнида амал қилиниши шарт бўлган тамойиллар, таълим усуллари, таълим –тарбия шакллари ва педагогикадаги асосий тушунчаларни ўз ичига олади.

Дидактика бутун педагогик фаолият учун, яъни таълим-тарбия билан шуғулланувчиларнинг назарий ва амалий ҳаракатлари учун методологик асос вазифасини ўтайди.

Дидактиканинг тадқиқот объекти таълим-тарбия жараёнидир.

Дидактиканинг тадқиқот предмети таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи- “таълим-тарбия оловчи”, “таълим-тарбия берувчи”, “ўқув дастур, дарслик ва бошқа дидактик материаллар” ҳамда “ўқитишнинг усул ва услублари”, “ўқитишнинг техник воситалари” орасидаги функционал алоқадорликлардир. Шу алоқадорликларнинг мавжудлиги таълим-тарбия жараёнининг ички қонуниятидан келиб чиққанлигини исботлаш ва уларни бир-бирига мутаносиб равишда тараққий эттиришдир.

Таълим-тарбия жараёнида қатнашувчи бирор-бир элемент ўзгарса, унинг бошқа қисмларини ҳам шунга мослаштириш зарур эканини исботлаб беришдир. Масалан, таълим-тарбия жараёни кечадиган синф ёки аудиториядаги педагог ўзгарса, таълим-тарбия жараёнини шакллантирувчи ўқитишнинг усул ва услублари, техник воситалардан фойдаланиш усуллари ҳам ўзгариши мумкин. Ёки ўқитишнинг дарстури ўзгарса, дарслик ва бошқа дидактик материалларни ҳамда ўқитувчи дарс бериш усуллари бир оз бўлса-

да, ўзгаришга мажбур. Чунки улар ўзаро функционал боғлиқ. Дидактиканинг мақсади мана шу ўзгаришларни асослаб, таълим-тарбия жараёнининг муайян қонуниятлари асосида кечишини илмий-назарий томондан асослаб беришдир

Дидактика ўз тадқиқотларини олиб борш жараёнида қуйидаги анъанавий тадқиқот усулларида фойдаланади: тарихий ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш, ўқув услубий ҳужжатларни ўрганиш, фанлардан билим бериш амалиётини синтезлаш, статистик усуллар, мақсадли суҳбат, қиёсий тасниф, таққослаш ва ҳоказо. Шу билан бирга, дидактикада нисбатан янги ҳисобланувчи – мажму ёндашув, графоаналитик, математик моделлаштириш, социологик тадқиқот усулларида ҳам фойдаланилади.

Яхлит таълим-тарбия жараёнида дидактика фаннинг вазифалари:

Биринчи: - билим эгаллаш ҳамда уларни кўникма ва малакага айлантириш қонуниятларини аниқлаб бериш. Бу борада дидактика анча ютуқларга эришган бўлиб, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг қуйидаги қонуниятларини, яъни тамойилларини аниқлаган. Буларга: билимнинг узатишда онглилик ва фаоллилик, кўргазмаллик, тизимлилик ва мунтазамлик, мустақамлик, тушунурлилик, илмий асослаб бериш, назария ва амалиёт бирлиги киради.

Иккинчи – таълим мазмунининг тузилиши ва ҳажмини белгилаш.

Учинчи – таълим ва тарбия беришнинг шакллари ва усулларида такомиллаштириш.

Тўртинчи – бир бутун таълим-тарбия жараёнининг ўқувчи ва талабаларнинг тарбияланганлик ҳолатига ижобий таъсирини таъминлаш.

Билим ва кўникмаларни таркиб топтириш нақадар зарур бўлсада, ҳозирги дидактика ана шу соҳа билангина чекланиб қолмайди.

Эндиликда ўқувчиларни камол топтиришда керакли натижалар берадиган ўқиш жараёнининг илмий асаоларини ишлаб чиқиш зауурияти туғилди. Ўқувчи ва талабаларнинг камол топиши таълим-тарбия жараёнида амалга ошиши сабабли билим ва кўникмаларнинг шакллантиришга қаратилган дидактик принциплар маълум натижани беради. Аммо вазифа фақат

қандайдир натижаларга эришиш эмас, балки талабаларни камол топтириш учун ўқитишнинг энг юқори самарадорлигини таъминлашдан иборатдир.

2.2. Касбий таълим бериш жараёни

Таълимнинг асосий мазмуни аклий тарбия билан бирга, илмий ва техникавий малака ва куникма билан боғлиқ булган ҳаётнинг маъносини, жамиятда инсоннинг тутган урни, одоб-ахлоқ ургатиш, ёшларимизда инсонпарварлик белгиланади:

- илмий билимларнинг етакчи роли тўғрисидаги қоидага;
- инсоний маданий-маърифий мероси бойликларини, умуминсоний қадриятларини билиб олиш ҳақидаги «Миллий дастур» кўрсатмаларига;
- тарбияланувчи шахсни баркамол авлод қилиб ривожлантириш, иймон-этиқодини, илмий дунёқарашини таркиб топтириш;
- илмий ҳаёт билан, янги демократик, меҳнатсеварлик, миллатлараро дўстлик муносабатлари, қаҳрамонлик, мардлик каби туйғуларда тарбиялашдан иборат.

Ҳозирги даврда таълимнинг мазмуни бу жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб ва қуйидагиларга амал қилган ҳолда жамият қурилиши тажрибаси боғлиқлиги ҳақидаги қоидага;

- таълимнинг бир мақсадга қаратилганлиги (умумий ёки касбий таълим);

Касбий таълим – инсонни ўзи танлаган касбига нисбатан тор йўналишдаги меҳнат фаолиятиги хизмат қилувчи таълимдир.

Касбий таълимга оид замонавий дарсларда бир-бири билан узвий боғлиқ: таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни уйғунлаштириш бу соҳада аниқ мақсадларни белгилаб олиши талаб этади.

Касбий таълим дарсларига қуйиладиган дидактик талаблар қуйидагича таркибга эга бўлади;

I. Таълимий талаблар:

- а) ҳар бир дарснинг вазифаларини аниқ белгилаб олиш;

б) ижтимоий талаб ва укувчиларнинг эҳтиёжлари, шарт-шароитини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини макбуллаштириш;

в) самарали педагогик технологиялар асосида укувчиларнинг укув билиш фаолиятини ташкил этиш;

г) таълимнинг турли шакл, метод ва воситаларининг оқилона уйғунлигини таъминлай;

д) дарс тузилмасини ижодий ёндашган ҳолда шакллантириш;

ж) укувчиларни турли укув-билиш фаолиятларини уйғунлаштириш;

з) таълим жараёни иштирокчилари орасида тезкор тесқари алоқани таъминлаш, таъсирчан бошқарув механизминини ишлатиш;

е) дарсларни илмий-услугий асосда ташкил этиш;

II Тарбиявий талаблар:

Укув материалининг тарбиявий имкониятларини аниқлаб, улардан оқилона фойдаланиш;

- таълим мазмуни ва мақсадларидан келиб чиқадиган тарбиявий вазифаларни қўйиш;

- укувчиларни умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш;

- укувчилар билан дустларча муносабатда бўлиш қабилар.

III. Ривожлантирувчи талаблар:

Укувчиларда ўқиб-урғанишга бўлган ижобий рағбатни шакллантириш ва ривожлантириш;

- укувчиларнинг психологик хусусиятлари ва ривожланганлик даражасинини урғаниш ва ҳисобга олиш;

- укув машғулотларинини илғарилаб бориш даражасида ўтқизиш;

- укувчиларнинг ақлий, эмоционал ва ижтимоий ривожланишларинини олдиндан башорат этиш ва бўладиган ўзғаришларга мос равишда тезкор ўзғаришлар қиритиш;

Бундан ташқари қасбий таълим методикасида ташқилий, психологик, бўшқарувчанлик, мақбул мулоқот ўрнатиш, ҳамқорлик қилиш, санитария-гигиеник, ахлоқий қабии талаблар ҳам ҳисобга олинади.

Касбий таълим инсонни ўзи танлаган касбига нисбатан тор йўналишдаги меҳнат фаолиятига хизмат қилувчи таълимдир.

Бундан ташқари касбий таълимга оид замонавий дарсларда бир – бири билан узвий боғлиқ, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни уйғунлаштириш бу соҳада аниқ мақсадларни белгилаб олишни талаб этади.

2.3. Дарснинг ташкилий шакллари танлаш ва асослаш. Дарс, унинг турлари ва тузилиши

Таълим шакллари машғулотларни ўтказиш вақтига қараб ҳамда ўқувчи-талабанинг таркиба ва улар фаолиятининг характер моғиятига қараб белгиланади.

Ҳозирги кунда таълим муассасаларида таълимни синф-дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган.

Дарс-аниқ мақсадни кўзлаб берилган вақтда бир хил ёшдаги ўқувчи-ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган машғулот экан, дарснинг мақсади, мазмуни ва ҳажми таълим стандартлари асосида белгиланади ўқитувчи учун дарс педагогик фаолиятининг асосий ташкилий шакли экан, бу жараёнда:

- ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси бир хил бўлишига;
- дарс қатъий жадвал бўйича белгиланган аниқ муддатда олиб борилишига;
- дарс ўқитувчи раҳбарлигида бутун синф билан алоҳида ўқувчилар билан ишлиш шаклида олиб борилишига;
- дарс ўқув фанининг характери, берлаётган билимларнинг мазмунига қараб турли усуллар ва воситалар ёрдамида олиб борилишига ва узлуксиз таълим тизимининг бир қисми сифатида тугалланган билим берилишига ҳамда навбатдаги билимларни узлаштириш учун замин яратишга каттик риоя қилиниши шарт.

Шуни унутмаслик керакки, ўқув юртларида таълим-тарбия ишлари машғулоти, тажриба ишлари шаклида ҳам амалга оширилади. Бу машғулотлар синфдан ташқарида бўлиши ҳам мумкин.

Дарс-таълимнинг асосий шакли экан, у илмий, тизимли, тушунарли, онгли ва фаол бўлиши, билимлар мустаҳкам ўзлаштирилиши, ўқувчи-талабанинг шахсий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилиши шарт.

Дарс ўтишда бир қатор талаблар қўйилади, улар қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир дарсни мақсадни кўзлаган ҳолда пухта режалаштирилиши ёки лойихаси тузилиши лозим. Бу жараёнда ўқитувчи дарснинг таълимий ва тарбиявий мақсадини белгилайди. Дарс босқичларини, яъни қандай бошлаш, янги материални қандай тамомлаш, кўргазмали ва бошқа дидактик материаллардан қандай фойдаланиш кабиларни олдиндан ҳал қилиб олади;

- ҳар бир дарс аниқ ғоявий изланишга эга бўлиши лозим;

- ҳар бир дарс мактабнинг ижтимоий муҳит имкониятини ҳисобга олган ҳолда амалиёт билан боғланиши, кўргазмали воситалар билан жихозланиши шарт;

- ҳар бир дарс, дарс характериға мос усул ва услублардан самарали фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши керак;

- дарс учун ажратилган вақт ва унинг дақиқаларидан тежамкорлик ва унумли фойдаланиш талаб қилинади;

- дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро фаол муносабатда бўлиши шарт, ўқувчи-талаба пассив тингловчига айланмаслиги керак;

- машғулотлар бутун синф ва ҳар бир ўқувчи билан уларнинг шахсий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда олиб борилиши юқори самара берилади;

- дарснинг мазмуни ва характериға қараб ҳалқимизнинг бой маънавий меросидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дарснинг мантикий тузилиши ва билиш жараёнининг характериға қараб дарслар: кириш дарси; эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш дарси; эгалланадиган билимлар билан бирламчи танишиш дарси; янги

билимларни эгаллаш дарси; эгалланган билимларни амалиётда қўллаш дарси; кўникмалар ҳосил қилиш дарси; умумлаштириш, қайтариш ва мустаҳкамлаш дарси; текширув дарслари; аралаш дарс.

Дарс ички тузилишига қараб ҳам типларга булинади. Я.Коменский ва И.Ф.Гербартлардан бошлаб, шу кунгача дарснинг тўрт бўлакдан иборат булган типи ҳукм суриб келмокда. Буларга янги билимларни эгаллаш учун тайёрланиш; янги билимларни эгаллаш; янги билимларни мустаҳкамлаш ва тизимга келтириш; эгаллаган билимларни амалиётда қўллаш. Бу типдаги дарс аралаш дейилади.

Бу турдаги дарсларнинг афзаллиги шундаки, у дарс жараёнида ҳукм сурувчи қонуниятларга мос келади. Бу дарсларда ўқитувчи ва педагоглар, ўз шароитларидан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг қабул қилиш имкони тайёргарлик даражаси ва бошқа бир қатор омилларни ҳисобга олган ихтиёрий равишда тақсимлай оладилар. Ҳозирги кунда таълим муассасаларида таълимни синф дарс шаклида олиб бориш кенг тарқалган.

2.4. Ўқув жараёнининг ўқув меъёрий ҳужжатлари. Дарснинг методик таъминоти.

Таълим тизими ягона ўқув илмий ишлаб чиқариш сифатига изчил ривожланишини таъминлаш, ҳамда фуқароларга таълим тарбия бериш касб-ҳунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, ҳар бир шахснинг баробар билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлаган. Таълимнинг асосий мазмунини унинг вазифаларида ойдинлаштирилади. Таълим мазмуни қуйидаги давлат ҳужжатлари ва расмий ҳужжатлар ташкил этади:

Намунавий дастур, ўқув дастури, ишчи дастур, тақвимий режа, технологик харита, маърузалар матни ҳамда дарслик, ўқув қўлланма ва дидактик материаллар.

Намунавий ўқув - дастури педагогик илмий тадқиқот институтларида ёки ўқув муассасаларидаги йирик олимлар томонидан ишлаб чиқилади. У ўқув муассасасини битирувчиларга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, юз фоиз

Давлат стандарти асосида тузтади. Уни тузишда дидактиканинг барча тамойилларидан фойдаланиб, уфаннынг ўқитилишидан кўзланган асосий мақсадга мос равишда бўлади. Педагогнинг ўқув услубий мажмуасининг асосий элементларидан бири намунавий ўқув дастуридир.

Ишчи ўқув дастури – намунавий дастурдан келиб чиқиб муайян ўқув муассасасининг йўналишидан ҳамда ушбу фанни ўқийдиган педагогнинг имкониятидан келиб чиққан ҳолда, педагог томонидан тузилади ва аввал ўқув муассасасининг илмий-услубий кенгашидан, сўнг тармоқ вазирлиги тасдиғидан ўтади. Бу педагогнинг дарсга олиб кирадиган иккинчи меъёрий ҳужжатидир.

Таквимий ўқув режа – ўқув муассасасидаги тузилган жадвал ва ишчи дастурида кўрсатилган мавзулар асосида тузилиб, педагогнинг дарс ўтиши ёки маъруза ўқиш ва амалий машғулотларини олиб боришнинг ой ва кун бўйича тартибини кўрсатади.

Конспект ё маърузалар матни, ёки дарс лойиҳаси – дарс янги билимларни бериш учун анъанавий оғзаки услубда олиб боришга мўлжалланган бўлса, педагогнинг қўлида конспект ёки маърузалар матни бўлишлиги талаб қилинади.

Дарс ишланмаси – агар дарс педагогик технология асосида олиб борилмайдиган бўлса, педагогнинг қўлида конспект ёки маърузалар матнидан ташқари дарснинг ишланмаси бўлиши талаб қилинади. Дарс ишланмасида-мавзунинг номи, дарснинг мақсади, кутилаётган натижа дарсда берилмоқчи бўлаётган асосий ғоя, таянч тушунчалар, дарснинг жиҳозлари ва дарснинг режасига анъанавий тарзда – ташкилий қисм, аввалги машғулотда эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва бугунги бериладиган билимларга кўприк ўрнатиш мақсадида такрорлаш, янги дарс мазмунини тушунтириш, гуруҳларда ишлаш, мусобақалар ташкил қилиш, дарсни яқунлаш ва уйга вазифа бериш деган унсурларни киритиш лозим. Шунинг ичига технологик харита ҳам киради.

Технологик хаританинг биринчи устунда мавзунинг номи, ўқув жараёнининг мазмуни, ўқув жараёнининг амалга оширишда қўлланиладиган усуллари ва уларнинг тизими, кутиладиган натижалар ўз ифодасини топиши керак. Иккинчи устунда биринчи устунда қўйилган саволларга чуқур ўйлаб туриб жавоб берилади.

Педагог қўлида бўлиши талаб қилинадиган меъёрий ҳужжатлар ичида талабаларнинг мустақил иш мавзулари, консультация жадвали ҳам бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Дарслик- юқори малакали ва тажрибали олим ҳамда педагоглар томонидан тузилиб, юз фоиз намунавий дастурдаги ғоялардан ҳамда дидактик тамойилларидан келиб чиқиб яратилади. Дарслик ўқитувчи педагогларга ва талабаларга асосий ўқув қуроли ҳисобланиб, оддий ва ҳаммага тушунарли адабий тилда ёзилади. Дарслик барчага умумий ёки олий ўқув муассасаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб махсус бўлиши мумкин.

Ўқув қўлланмалар, асосан, тажрибали педагоглар томонидан алоҳида тайёрланган бўлиб, у дарс мазмунини тўла ифодалаш ва ўқувчи-талабалар дарс мазмунига яхши тушуниб етишлари учун хизмат қилади. Буларга ҳар турли кўرғазмали қуроллар, тарқатмали материаллар, турли муаммоли вазиятларни яратилади

2.5. Таълим методлари. Ўқитиш методларини танлаш ва асослаш.

Таълим жараёнида тўғри методлар танлар эканмиз, кўзланган натижага комил ишонч ва қисқа йўл билан эриша олиш мумкин. Ўқитишнинг самарали бориши, ўқувчи-талабаларнинг ҳар бир фанни чуқур ўзлаштириб олишлари, шунингдек улар билимларни онгли ва мукаммал эгаллашлари учун ҳамда ёшларда мустақил ва ижодий фаолият-фикрларининг ривожланишига бевосита ўқитувчининг таълим методларидан кенг ва моҳирона фойдалана олишига боғлиқ.

Таълим методлари педагогик жараёнида кўзланган мақсадга биноан пировард натижани таъмин этувчи йўл (усуллар) тизимидир. Методлар ўз

навбатида методлардан ташкил топади. Таълим-тарбия методларида педагогиканинг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, принциплари, шакллари ўз ифодасини топади.

Касбий тайёргарлик жараёнида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мафқсадларга эришишга йўналтирилган педагогик фаолияти усуллари-таълим методлари деб юритилади. Ҳар қандай онгли фаолиятни ўзаро алоқадор ташкил этиш, қизиқтириш амалга ошириш ва назорат қилиш боқичларидан иборат бўлганлиги боис Ю.К.Бабанский таълим методларини ҳам қуйидаги уч гуруҳга ажратилади:

- 1) ўқув билиш фаолиятларини ташкил этиш методлари;
- 2) ўқув билиш фаолиятига рағбатлантириш методлари;
- 3) ўқув билиш фаолияти самарадорлигини назорат қилиш методлари

Таълим методларининг самарадорлиги билан ҳар қандай ва турли шароитда охир-оқибат ўқувчилар ўзлаштирган билим иш-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларининг шаклланиши самарадорлиги ва сифатига боғлиқ бўлади; таълим методларидан самарали фойдаланиши учун уларни таълим тизимида ва уни тасаввур этиш зарур. Биз қуйида академик Н.К.Бабанский таклиф этган методлар шажараси билан танишишга ҳаракат қиламиз ва улар қуйидагиларни ташкил қилади:

I Таълим методлари ахборотларни узатиш ва идрок этиш манбаига кўра қуйидагича турланади;

1. Оғзаки (ҳикоя, суҳбат, маъруза);
2. Кўрғазмали (расмлар, диаграммалар кўрсатиш);
3. Амалий (тажриба-синов ишлари, ўқув ишлаб чиқариш меҳнати кабилар);

II. Ахборотларни узатиш ва идрок этиш мантиғига кўра таълим методлари: индуктив ва дидуктив бўлади. Индукция хусусий, жузъий ҳодиса ва далиллардан умумий хулосага келиш усули, дидукция эса умумийдан хусусий хулоса чиқариш йўлидир.

III. Билимларни ўзлаштиришда ўқувчиларининг фикр юритиш мустақиллигидаражасига кўра қуйидагича фикр юритиш мустақиллигидаражасига кўра қуйидагича бўлади:

1. Махсулсиз (ўқувчилар нофаол иштирокчи бўлиб қатнашадилар)
2. Махсулли (ўқувчиларнинг фаол изланишларидан ўқув билим ва ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этишларини кўзда тутди).

IV. Ўқув ишларининг босқичларини даражасига кўра:

1. Ўқувчиларнинг бевосита раҳбарлигидаги ўқув ишлари;
2. Ўқувчиларининг ўз устларида мустақил ишлари: (китоб манба) лар билан ёзма ишларни бажариш; лаборатория ишлари, меҳнат вазифаларини бажариш кабилар);

V. Ўқув ишларида қизиқиш методлари:

1. Ўқув билиш ўйинлари;
2. Ўқув мунозаралари;
3. Эмоционал ахлоқий вазифалари;

VI. Бурч ва жавобгарликка рағбатлантириш методлари;

1. Ўқиб-ўрганишнинг муҳимлигига ишонтириш;
2. Талаблар қўйиш;
3. Талабларнинг бажарилиши юзасидан машқ қилдириш;
4. Рағбатлантириш ва жазолаш;

VII. Оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари индивидуал сўров; оғзаки синов, оғзаки имтиҳон, машинали ёки машинасиз назорат, оғзаки ўз-ўзини назорат қилиш.

VIII. Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари, ёзма назорат ишлари, ёзма синов ишлари, ёзма имтиҳонлар, ёзма дастурлаштирилган ишларни бажариш, ва ёзма ўз-ўзини назорат қилиш;

IX. Лаборатория амалий ва назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари:

1. Лаборатория амалий назорат ишлари;
2. Машинали ёки машинасиз назорат ишлари;

3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун мўлжалланган лаборатория амалий ишларна бажариш.

X. Шахсий ҳис-туйғуларни шакллантириш (тарбиянинг) методлари, суҳбат, намуна бўлиш, маъруза, мунозара;

XI. Ижтимоий ахлоқий тажрбалар ва амалий фаолиятни ташкил этишни шакллантириш методлари, педагогик талаб, жамият фикр мунозаралари, одатлантириш, машқлантириш, тарбиявий вазиятларни юзага келтириш.

XII. Одоб-ахлоқ ва хулқ-атвори ривожлантириш методлари:

1. Мусобақа, 2.Моддий ва маънавий рағбатлантириш ва 3. Жазолаш; Реал педагогик жараёнда методларнинг қандай турлари бор ёки билишнинг эмас, балки улардан самаралифойдалана олиш муҳимаҳамият касб этади. Бу методлардан фойдаланиш нисбатан кўп вақт талаб этади. Зарур жараёнда тафаккурлаш қобилиятини ривожлантиради. Мустақиллик изланувчан фаолият кўрсатишда имкон бермайди. Улардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланишда материалнинг асл моҳиятида тушунмай кўр-кўрона ёд олишга олиб келади.

2.6. Илғор педагогик технология

Илғор педагогик технология “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида олиб борилаётган туб ислохотлар асосий йўналишларининг бош ҳаракатлантирувчи кучидир. Илғор педагогик технология шундай билимлар соҳасики, бунда 3-минг йилликда туб бурилишлар, билимга чанқоқлик, Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, маънавий ва руҳий баркамоллик тизимли равишда шакллантирилади.

Технология сўзи (юнонча) “технос”-санъат, ҳунар, “логос”-фан, “педагог” эса бошқарувчи, етакловчи (таълим-тарбияга) маънони англатади.Аниқроқ айтадиган бўлсак, технология жараён.

Айрим педагогларнинг фикрича, педагогик технология бу-ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиш

ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгланган шахс сифатларини интензив шакллантириш жараёнидир. Услуб (метод) ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуидир. Педагогик технология эса ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда якуний натижани кафолатловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган йиғиндидир.

Мустақиллик шарофати билан таълим-тарбиянинг мақсад ва вазифасини тўлалигича янгилаш зарурияти туғилди. Бундан келиб чиққан ҳолда;

- кўп босқичли таълим тизимида педагогик технологиянинг ўринни аниқлаш;

- замонавий иқтисодиёт, саноат, тиббиёт, экология соҳаси технологиялар билан педагогик технологияни мунтазам янгилаб бориш, табақалаштирилган ҳолда ёндашув асосида унинг асосий мезонларини аниқлаш;

- истиқболли ўқитиш воситаларини яратиш ва унга таянган ҳолда илғор педагогик технологияларни лойиҳалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш, самарасини аниқлаш;

- илғор педагогик технологияларни диагностика қилиш, коррекцион ва назорат, баҳолаш ишларини жорий этиш;

- малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг узлуксизлигини таъминлаш;

- илғор педагогик технология асосларини олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиш;

- жодкор ўқитувчилар ишини ўрганиш ва оммалаштириш;

- бу ишларни амалга ошириш учун педагогик технология Давлат марказларини тузиш.

Педагогик технологияни таълим жараёнига тезда киритиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- дарс жараёнида таълим-тарбияга ўқувчи асосий ҳарактлантирувчи куч, таълим жараёнининг субъекти бўлишга эриш (яъни ўқувчи зиммасида ўқиш, ўрганиш, мутоала қилиш ва ҳ.к).

- ўқитувчи ўқувчини эҳтиёж туғдириш, муҳит яратиш ва ундаги масъулиятли фойдаланишни сезишга ўргатиш;

- дарснинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, касбга йўлловчи мақсадларини амалга оширишда ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлиги ва ҳаракати.

Педагогик технология қандай қилиб, қандай усуллар билан таълим жараёнини ташкил этилса, натижа яхши бўлади, деган саволаг жавоб беради ва ўқувчиларда қуйидагиларни шакллантиради:

- боланинг талаби, мойиллиги, истак-ҳоҳиши унинг имкониятлари даражасида қондирилади;

- ўқувчининг ўқув меҳнатига масъулияти, жавобгарлиги ва бурчи ошади;

- билимларни мустақил эгаллаш малакасини шаклланади;

- шахсининг жамиятда ўз ўринини тезроқ топиб олишига муҳит яратилади.

Илғор педагогик тажриба соҳибларинининг кабинети, жиҳозлари, кўргазмали қуроллари, илмий мақола ва бошқа ишлари баҳоланиб, дарсни ташкил этиш, ўқувчи фаолиятини жорий этиш, ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ривожлантириш, ўқитиш эмас, ўқитишга ўргатиш каби тамойиллар ҳисобга олиними лозим.

Илғор педагогик тажрибанинг асосини ташкил этувчи юқорида айтилган тамойиллар қандай даражада жорий этилганлиги ва унинг натижасини аниқлашдан иборат. Чунки ўқитувчи таълим мазмунини, дарсликни, Давлат таълим стандартларини, дастур ва бошқаларни ўзгартира олмайди, лекин юқоридагиларга асосланиб, таълим-тарбия жараёнига ижобий ёндашиб, уни бошқача ташкил этиши мумкин. Ташкил этганда ҳам қуйидаги қоидаларга жавоб бериши лозим:

- дарс, (ўқув, таълим жараёни) таълим қандай психологик қонуниятлар асосида ташкил этилган; ва ривожлантиришнинг боғлиқлиги

- бу тажрибада таълим ва ривожлантиришнинг боғлиқлиги (қайси, қандай ва ҳ.к.);

- тафаккур (фикрлаш) қай даражада, қандай турлари ривожлантирилади;

- шахсий хусусиятлар қандай йўллар билан ривожлантирилган;

- мустақил билим олиш, муносабат ва мулоқот қай даражада, қандай йўллар билан амалга оширилган.

Дарсни ташкил этиш ва ташкилий қисми, дарснинг бориши деганда биз ўқитувчининг ўзаро муносабат ва мулоқоти, дарснинг тузилиши (ўқув таълим жараёнининг), ўқитувчининг бошқарувчанлик, ўқувчининг эса ўқиш жараёнида фаоллигини тушунилади.

2.7. Таълим жараёнида техник воситаларидан фойдаланиш.

Ахборотлар ҳажмининг кун сайин ошиб бориши ўқувчиларга уларни етказиш учун ўқитишнинг техник воситалари ёрдамга келади. Ҳозирги вақтда барча фанларни самарали ўқитишда фойдаланилаётган техник воситалар турлари анча кўпайди. Ўқитишнинг техник воситаларига қуйидагилар киради: проекцион ва кинопроекцион аппаратлар, эпидиаскоп, кодоскоп, компьютер мажмуаси ва ҳоказолар киради. Улар ўқитувчи томонидан тўғри танланса ва самарали қўлланилса, ўтиладиган дарснинг мазмуни чуқурлашади ва ўқувчи оладиган билимлар янада яхшиланади.

Бугунги кунда таълим жараёнини самарадорлигини ошириш учун таълимнинг замонавий техника воситалари ёрдамида дарс ўтиш аниқ мақсадга эришишга ёрдам беради.

Ўқитишнинг техник воситалар ёрдамида ташкил этиш, ҳамда кўргазмали материаллардан фойдаланиши орқали ҳам эшитиш ҳам кўрсатиш орқали ўқув материалларини идрок қилиш, уларни онгли ва пухта ўзлаштириш, билимларни турмушдаги заруриятини англаб етишларига асос солади, диққатни барқарорлаштиради.

Таълим жараёнини самарадорлигини ошириш учун таълимнинг замонавий техника воситаларидан кенг фойдаланиб дарсларни ўтиш, таълим-тарбия соҳасида туб бурилиш ясайди.

Агар педагогик тизимда таълимнинг техник воситаси сифатида компьютер ишлатиладиган бўлса, педагогик тизимнинг бошқа элементларлари ҳам шунга мос равишда ташкил этиши керак, шундагина компьютернинг барча дидактик имкониятларини юзага чиқарадиган янги такомиллашган педагогик технология ҳосил бўлади.

Таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш таълимнинг техник воситалари билан бирга таълим воситаларига ҳам боғлиқ бўлади.

Таълим воситалари ўқитиш ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчи воситалардир.

Таълим воситаларини фойдаланиши жиҳатдан қуйдаги 3 қисмга ажратиш мумкин;


- таълим берувчи учун;
- таълим олувчи учун;
- дарс ўтказиш учун;

Таълим воситалари олти турга бўлинади:

- матнли воситалар;
- тасвирли воситалар;
- аудиовизуал воситалар;
- ёрдамчи воситалар;
- модели воситалар;
- ҳақиқий воситалар;

Таълим воситаларидан фойдаланишда уларни муайян мақсад, мўлжалланган гуруҳ, махсус соҳа ва методларга мос ҳолда танлаш муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари таълим берувчи ўқув ва кўрсатмали воситаларни ишлата олишни, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни билиши керак. Таълим жараёнида тўғри методлар танлар эканмиз кўзланган натижага комил

ишонч ва қисқа йўл билан эриша оlish мумкин. Ўқитишнинг самарали бориши, ўқувчи талабаларнинг ҳар – бир фанни чуқур ўзлаштириб олишлари, шунингдек улар билимларини онгли ва мукаммал эгаллашлари учун ҳамда ёшларда мустақил ва ижодий фаолият фикрларининг ривожланишига бевосита ўқитувчининг таълим методларидан кенг моҳирона фойдалана олишига боғлиқ. Қуйидаги чизмада таълим воситаларини танлаш бўйича кўрсатмалар берилган.



2.1.-расм. Таълим воситалари

Баъзи ҳолларда таълим олувчи мўлжалланган таълим берувчи учун ҳам дарс ўтказиш учун

ҳам талаб этилади. Танлаб олинган метод. Шакл ва воситалар бир – бирини тўлдириши керак.

Таълим жараёнида тўғри методлар танлар эканмиз кўзланган натижага комил ишонч ва қисқа йўл билан эриша олиш мумкин.

2.8. Масофавий таълим технологияси ҳақида тушунча.

Табиийки, ахборот технологиялари жамият информацион ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг энг муҳим усулларидан бўлиб қолмоқда. Модомики шундай экан, информацион муҳитга шахсий *компьютерларни* жорий қилиниши, *коммуникация* воситаларини қўлланилиши ахборот технологияси тарақиётида янги босқич ҳисобланади. Зеро шундай экан, ахборот технологиялари билан юксалаётган жамиятни бошқариш учун янгидан-янги мутахассис кадрлар тайёрлашни ҳам ҳаёт таққозо этмоқда.

Шуни назарда тутиб, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонун»и ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ушбу қонунларни амалга тадбиқ этиш, ўқитишнинг янги усуллари жорий этишни талаб этади. Ана шундай янгиликлардан бири, бу таълим тизимида **масофавий ўқитиш(МЎ) услубини** жорий қилишдир. Бундай усулда ўқитишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

1. **МЎ** услуби—бу сиртқи ўқитишнинг янги шакли бўлиб, бундай усулда ўқитиш мустақил таълим олиш демакдир. Мустақил ўқиш эса, инсонни эркин фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, ҳулоса чиқариш ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради.
2. **МЎ** нинг афзаллиги - унда ўқувчи ўзига қулай вақтда ва хаттоки, меҳнат фаолиятидан ажралмаган ҳолда ўқиши мумкин.
3. **МЎ** нинг афзаллиги - унда ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни ўқувчи ихтиёрий пайтда ўқишни ўзи бошлайди. Ўқитув юкламаларини ўқитувчи назоратида ўзлаштиради (топшириқларни, тестларни ўз вақтида бажаришига қараб аниқланади ва ўқувчи берилган дастурни қанчалик жиддий ўзлаштиради, шунчалик тез ўқишни тугатади ва гувоҳнома (сертификат) олади).
4. **МЎ** ташкилий, иқтисодий афзалликларга ҳам эга. Бунда молиявий харажатлар асосан ўқув-услубий материалларни тайёрлаш ва махсус

аудиториялар учун сарфланади. Ўқув-услубий материалларнинг сифати масофадан ўқитишнинг энг асосий омилларидан биридир. Чунки ўқув-услубий материал қанчалик тушунарли ва батафсил (услубий жихатдан пухта) бўлса, у ўқувчига фойдали бўлади.

5. Ана шуни назарда тутиб, *замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган* ҳолда ўқув-услубий материалларнинг электрон вариантларини ташкил этиш, уларни виртуал ҳолда ифодалаш устида ижодий ишлар олиб боришни жадаллаштирмоқ давр талаби бўлиб қолмоқда.

Масофавий ўқитиш-бу замонавий таълим бериш комплексини ўз ичига олади ва у:


- ✓ янги технологиялар ва
- ✓ Internet хизматидан фойдаланишни назарда тутадиган
- ✓ ўқитишнинг замонавий модели бўлиб,
- ✓ у реал вақтда амалга оширилади.

Масофавий ўқитиш –бу

- ✓ аудиториядан ташқарида,
- ✓ ҳозирги замон ахборот технологиялари,
- ✓ коммуникация технологиялари асосида,
- ✓ ўқувчи билан устоз ўртасидаги,
- ✓ жонли мулоқатсиз,
- ✓ мустақил равишда,
- ✓ ўқитиш жараёнини ташкил этиш демакдир.

Бундай ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг **қулайлиги**- ихтиёрий вақтда талаба истаган жойида билим олиш имкониятига эга бўлади. Ушбу усулда ўқитиш талабадан мунтазам равишда ўқиш, яъни интерактив билим учун ҳаракат қилишни талаб қилади.

2.2.расм. масофавий ўқитишни ташкил қилиш



2.9. Инновацион педагогик технологияларнинг асосий принцип ва қоидалари

Инновацион педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш маълум қонуниятларга, принципларга асосланади.

Принцип – латинча “principium” сўзидан олинган бўлиб, асос, дастлабки ҳолат, бошқарувчи ғоя, умумлашган талаб каби маъноларни англатади. Педагогик технологиялар принциплари – лойиҳаланган ўқув-тарбиявий жараённи амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун риоя қилинадиган умумий меъёрлар ва талаблардир. Уларни аниқлашда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинади: 1) мавжуд жамият талабларига мос келадиган таълим-тарбия мақсади; 2) дидактик жараённинг объектив қонуниятлари; 3) таълим-тарбия жараёнини амалга ошириладиган шарт-шароитлар.

Педагогик технологиянинг яхлитлик принципи. Бу принцип технология лойиҳаси яратилаётганда педагогик тизимининг барча элементлари ўзаро таъсир остида бўлишини ва ўзаро боғлиқлигини эътиборга олишни тақозо этади, яъни, таълим мақсадининг қатъиян аниқланиши, ўқув жараёни мазмуни, ташкилий шакллари, ўқитиш методлари ва воситаларини саралаш ва танлаш кўмаклашиши, шунингдек, ўқитувчининг маҳорат

даражасига боғлиқ ҳолда дидактик жараён самарасини аниқлашга имкон бериши керак.

Яхлитлик принципи педагогик технологияни ташкил этувчи элементлардан бирини янгилаб ёки ўзгартириб, қолганларига тегмасликни, қайти қурмасликни инкор этади.

Педагогик технологиялар ўқув-тарбиявий жараёнтни олдиндан лойиҳалаш ва кейинги босқичда бу лойиҳани аудиторияда амалга оширишни кўзда тутди. Шу боисдан педагогик технологияларнинг муҳим принципи – бўлажак ўқув тарбиявий жараёни олдиндан лойиҳалаш принциpidир. Бу эса, табиийки, ўқувчидан ижодий фаолиятни талаб этади. Лойиҳаланган технология дарс мавзусига ажратилган вақт доирасида жорий этилиши лозим. Ўқув вақти педагогик технологияни олдиндан қуришга муҳим кўрсаткич ҳисобланади ва ўқитувчи уни ҳисобга олиши шарт. Лойиҳаланаётган дидактик жараён аудитория ўқувчиларининг ўзлаштириш даражасига мос келиши, ҳамма учун тушунарли бўлиши жуда муҳим. Шундагина якуний натижа қўлга киритилади.

Якуний натижанинг кафолатланиши педагогик технологиянинг яна бир муҳим принциpidир. Бу тушунча аслида нисбий характерга эга, чунки тузилган технология амалага оширилгач, муайян натижалар бўлиши – ўқувчиларнинг ўқув материални турли даражада ўзгартириб олиши, табиий.

Педагогик технологиянинг муҳим принципларидан яна бири тугалланганлик принциpidир. Ўқувчининг ўзлаштириш сифати унинг ўзлаштириш коэффициенти билан аниқланади. Мамлакатимиз ўқув юртларида ўқувчининг ўзлаштириш сифати – ўзлаштириш коэффициенти 0,55 га тенг ёки ундан кўп бўлса, яъни ўқув материалнинг 55 фоизи ўзлаштирилса “қониқали” ҳисобланапти. Фикримизча, бу кўрсаткич таълим тизимини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичлари учун етарлидир.

Педагогик технологияларидан бири – эгилувчанлик принциpidир. Бу принцип соҳаларини бирмунча кенгайтиради. У ёки бу мавзу бўйича лойиҳаланган технология ҳеч бўлмаганда Фан бўлимлари чегарасида


эгиловчанлик хусусиятига эга бўлиши керак. Ўқитувчида кам куч ва вақт сарфи эвазига фан мавзулари бўйича дидактик жараён тузилмасини ташхисли мақсадга мувофиқ тарзда алмаштира олиш ёки қайтадан лойиҳалаш имкони мавжуд бўлади.

2.10. «Муаммоли вазият» методи

“Муаммоли вазият” методи – таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш кўникмаларни шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчининг билим даражаларига мос келиши зарур. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак. Акс ҳолда ечимини топа олмаслик, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади.

“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси



2.3.расм. Муаммоли вазият тавсифи тузилмаси

“Муаммоли вазият” методининг босқичлари

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим олувчиларда муаммони баён қилади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар.
Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади.
5. Бу босқичда муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр – мулоҳазаларни тақдимот қиладилар.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларни муҳокама ва таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни йиғиш йўллари ишлаб чиқадиладар.
7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятни ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

3. Ижтимоий иқтисодий масалалар мажмуаси

3.1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳақида тушунча уларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари.

Хўжалик фаолиятини зарур элементи сифатида ишлаб чиқариш воситалари муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш воситалари таркибига кўп турдаги унсурлар киритилади. Ишлаб чиқаришнинг моддий воситалари бўлмиш бинолар, иншоотлар, машиналар, уруғликлар, ўғитлар, қурилиш материаллари ва ёқилғи киради.

Ишлаб чиқариш воситаларисиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришни ташкил этиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида моддий техника ресурслари ва бошқа турдаги ресурслар ўртасида жуда катта боғланиш мавжудки, бу боғланиш бевосита ишлаб чиқаришга таъсир қилади, ишлаб чиқаришд бир турдаги моддий техника воситаларидан (ем – хашак, ўғитлар, қурилиш материаллари ва хоказо) фойдаланиш моддий биологик ресурслар (маҳмулдор чорва ва парранда, балиқ, сув ўтлари, ўсимликлар ва хоказо) билан биргаликда маҳсулотнинг моддий асосини ташкил этади. Бошқа турдаги моддий техника ресурслари (иш куруллари, машиналар, технологик ускуналар ёки ёқилғи мойлаш материаллари, ветеринар препаратлар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари хўжалик асбоб – ускуналари ва хоказо) эса тайёр маҳсулотни шакллантиришда фаол равишда иштирок этади. Моддий техника ресурсларининг яна бир қисми (энергетик машина, узатиш ускуналари, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш жарарёнининг умумий шарт – шароитларини таъминлаб беради. Булар умумхўжалик хизматлари учун ускуналар ва бинолар, таъмирлаш устахоналари, омборхоналар ва хоказо.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг баъзи бир тармоқларида (чорвачилик, ўсимликчилик, ўрмончилик, балиқчилик ва бошқалар) моддий техника ресурсларининг бевосита ёрдами билан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг табиий биологик жараёнлари амалга оширилади. Баъзи

тармоқларда эса (овчилик, сув ресурсларини қайта тиклаш, саноат ва хоказо) чет мамлакатларда инсон қатнашмай туриб, моддий техника ресурслари ёрдамида ишлаб чиқариш амалга оширилади яъни автоматлаштириш механизациялаш орвали моддий техника ресурсларининг ўзи ишлаб чиқаришни амалга оширади.

Албатта қишлоқ хўжалик жойларда ишлаб чиқаришни малакали ишчи кучисиз, ер – сув биологик ва минерал ресурсларсиз, умуман табиий ресурсларсиз амалга ошириб бўлмайди. Моддий – техника ресурсларига эга бўлиш учун эса молиявий ресурслар зарур бўлади.

Ернинг чекланганлиги ва биологик ресурсларнинг муҳим хусусиятлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган моддий – техника ресурсларининг муҳим хусусиятлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган моддий – техника ресурсларининг шунингдек ишлаб чиқариш технологиясининг сифати ва миқдорига уларнинг ўзаро бирикиб ишлашларига бўлган талабларини янада кучайтиради. Мақсад – махсулотни сифатли қиилб, харажатларни камайитириш экан аввало ресурслардан юқори савияда ва тежамли фойдаланиш керак.

Ишлаб чиқариш воситаларига бино иншоотларнинг ичида жойлашган барча машина, транспорт воситалари, материаллар билан бирга экин учун уруғликлар, кўп йиллик ўсимлик ва дарахтлар, кўчатлар, ўрмон, сув омборлари ва хоказолар ха киритилади. Шунингдек ишлаб чиқариш техник потенциал дегна тушунча мавжудки, унга қишлоқ хўжалигида истиқболда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун мавжуд бўлган муносабатлари ишлаб чиқаришдаги куч қувват ва бошқа хусусиятлари билан характераланади.

Моддий техника ресурсларининг муҳим аҳамиятга эга эканини юқоридаги фикр – мулохазалардан билиб олдик. Уларнинг хусусиятлари тўғрисида гапирсак энг аввало қишлоқ хўжалигида моддий техника ресурсларининг ўзига хос бўлган хусусиятларига тўхталиш лозим;

Биринчидан ресурслар таркибида келиб чиқиши , ишлатилиши, вазифалари ва турларига кўра хилма – хилликка эга бўлган воситалар мавжудки уларсиз ишлаб чиқариш содир бўлмайди. Хусусан қишлоқ хўжаликнинг моддий техника ресурслари таркибида энергетик ва ишчи машиналар, технологик ускуналар трактор (универсал ва хайдайдиган) ўзи юрар шасси, стационар иссиқ двигателлар, ер қазувчи мелиоратив ва бошқалар, технологик машиналар, юк автомобиллар ва бошқалар, транспорт машиналар, трактор тиркамалари, чорвачилик фермалари учун ускуналар, ерга ишлов бериш ва ҳосил йиғиш учун махсус ишчи машиналарнинг ўзи қишлоқ хўжалигида энергетик қувватнинг 80%ни яратади. Ушбу машиналарнинг алоҳида вазифасига кўра ёки тизимли равишда ишлаши инсонни оғир ва чарчатувчи меҳнатдан озод қилиб, қўл меҳнати билан бажариб бўлмайдиган ишларни технологик жараёнларни амалга оширади. Шунга алоҳида тармоқлар учун қишлоқ хўжалик ресурслар таркибида комплекс машиналардан фойдаланиш зарурияти туғилади.

Иккинчидан моддий техника ресурслари қайта яратилиши мумкин. Бу ходиса эса саноат ишлаб чиқариши ҳисобида содир бўлади. Шу билан бирга хўжалик фаолияти жараёнида ушбу ресурсларнинг жисмонан ва маънавий эскиришини ҳисобга олиб, уларни янги усул ва технологиялар асосида янада сифатлироқ ва миқдор жиҳатдан кўпроқ қилиб яратиш талаб этилади.

Учинчидан қишлоқ хўжалигида моддий техника ресурслари жорий этиш чекланган ҳисобланади. Бе чекланиш иқтисодий шарт шароитлардан келиб чиқиб қайта ишланишга замин яратади. Асосий чекланиш омилларга саноат қувватлари, ресурс ишлаб чиқарувчилар таклифи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг тўлов қобилияти, товар айирбошлаш шарт шароитлари кабиларни киритиш мумкин.

Тўртинчидан қишлоқ хўжалиги учун ҳудудий бирлик характерлидир, шунга кўра моддий техника ресурсларнинг кўп сонли қишлоқ жойларда бирдек хизмат кўрсатиш, концентрацияси таъминланади.

Бешинчидан моддий техника воситаларининг қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган хиссаси бошқа алоҳида тармоқларникига кўра каттароқ бўлади. Булардан ташқари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда моддий техника воситаларидан фойдаланишнинг яна қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

Қишлоқ хўжаликнинг ўзи мавсумий характерга эгалигини инобатга олиб, моддий техника воситаларидан фойдаланиш ҳам мавсумий характерга эгадир. Бу эса улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради:

Моддий буюмлашган кўринишдаги моддий техника ресурслари табиий шароитлар таъсирига учрайди ва уларни сақлаш маълум миқдорда сарф харажатларни талаб этади:

Қишлоқ хўжаликда фойдаланиладиган моддий – техника ресурслари таркибига жонли организмлар, ўсимликларва чорва моллари ҳам киритилади.

Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган айрим моддий ресурслар шу хўжаликнинг ўзида яратилади. Чорвачиликда фойдаланиладиган ем – хашак, ўсимликчиликда уруғлик, органик ўғитлар ва бошқалар:

Қишлоқ хўжалигида моддий техника ресурсларининг туркумланиши асосан, келиб чиқиши, моддий – ашёвий тури, фаолият тури, мулк шакллари, хўжалик субъектлари тақсимоти, амалда фойдаланиш имкониятлари ва бошқаларга қараб амалга оширилади. Қуйидаги мулк шаклларига кўра, ресурслар ҳам туркумланади. Масалан; фермер ўзи техника воситасини сотиб олади ёки уни ижарага олади ва хоказо. Хўжалик субъектлари бўйича тақсимлашда ресурсларнинг ким томонидан фойдаланиши эътиборга олинади. Масалан; қишлоқ хўжалигида экин ишларига компьютер керак эмас, чорвачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришда ўрим комбайни керак эмас. Шунга кўра хўжалик субъектларининг ўзи ресурсларнинг кераклигини, талабга жавоб берадиганини танлайди.

Амалий фойдаланиш имконияти бўйича ресурсларнинг туркумланиши асосан фан техника тараққиётига боғлиқ бўлади.

Қуйидаги чизмада моддий техника ресурсларининг туркумланиши берилган: Чизмадан келиб чиқишига кўра моддий техника ресурслари табиий ва сунъий моддий ресурсларига бўлинади. Сунъий моддий техника ресурслари асосан саноатда ва қисман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилар ёрдамида ишлаб чиқилади.



3.1.1-расм. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларининг туркумланиши

Табиий моддий – техника ресурсларига биологик, минерал ресурслари, куёш энергияси, ер шамол, сув энергияси, ер – сув ресурслари кабилар киради. Минерал ресурслар ўз навбатида,ўз ичига ёқилғи энергетика қазилмаларни (нефть, газ, кўмир ва хоказо). Фойдали руда қазилмалари (темир,рангли металл, олтингугурт ва хоказо). Шунингдек бошқа минерал ресурсларни (кум, табиий тпш, лой, бур,торф,оҳак ва хоказо)қамраб олади.

Моддий ашёвий таркиб бўйича ресурсларнинг турланиши ресурсларнинг жисмонан миқдorigа кўра умумий техник ўлчовлар билан белгиланади. Бундай ресурсларга ишчи машиналар ишлаб чиқариш иншоотлари, технологик ускуналар, тракторлар, автомобиллар киради.

Фаолият тури бўйича моддий техника ресурслари асосан алохида тармоқларга ихтисослашган бажараётган вазифасига кўра, ресурсларнинг тақсимланиши кўзда тутилган ресурсларни ўз ичига олади. Масалан саноат корхоналари учун алохида ресурслар талаб этилса, қишлоқ хўжалик учун бошқа ресурслар керак бўлади.

Мулк шаклларига кўра ресурслар ҳам туркумланади. Масалан фермер ўзи техника воситасини сотиб олдаи ёки уни ижарага олдаи ва хоказо. Хўжалик субъектлари бўйича тақсимлашда ресурсларнинг ким томонидан фойдаланиши эътиборга олинади. Масалан қшлоқ хўжалигида экин ишларига компьютер керак эмас, чорвачилик махсулоти ишлаб чиқаришда ўрим комбайни керак эмас. Шунга кўра хўжалик субъектларининг ўзи ресурсларнинг кераклигини талабга жавоб берадиганини танлайди.


Амалий фойдаланиш имконияти бўйича ресурсларнинг туркумланиши асосан фан техника тараққиётига боғлиқ бўлдаи. Масалан янги ихтиро қилинган комбайн ёки трактор синовдан ўтгач, амалда қанча муддат сифатли фойдаланади, буни албатта ишлаб чиқаригш жараёнир белгилаб беради.

Юқоридагилар билан бирга моддий техника ресурслари қишлоқ хўжаликда ишлаб чиқариш ва ижтимоий объект бўйича тақсимланади.

Қишлоқ хўжалик инфраструктураси эса ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш учун қишлоқ хўжалигида яратилган жами шарт – шароитларни ўз ичига олади. Бунга ишлаб чиқариш учун ва инсонлар яшашига зарур шароитлар иссиқлик энергетикаси, газ, ёруғлик билан таъминланганлик, омборхоналар ва хоказо ресурслар киради. Қишлоқ хўжалигида моддий техника ресурслари ва бошқа турдаги ресурслари ўртасида жуда катта боғланиш мавжудки бу боғланиш бевосита ишлаб чиқаришга таъсир қилади.

Юқоридагилар билан бирга моддий техника ресурслари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва ижтимоий объект бўйича тақсимланади.

Булар қуйидаги чизмада акс эттирилган (3.1.2-расм)



3.1.2-расм. Моддий техника ресурсларининг таркиби

Расмдан ишлаб чиқриш қатламига мансуб бўлган моддий техника ресурсларининг таркибига асосан қишлоқ хўжалигида махсулот ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи ресурслар киради. Масалан; қишлоқ хўжалигининг ўзи (деҳқончилик ва чорвачилик), қишлоқ хўжалигини қайта ишловчи ва маҳаллий саноат , ўрмон хўжалиги, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги қрилиши, савдо сотиқ ва хоказо тармоқларга оддий техника ресурсларига эса уй хўжаликлари, уй жой қурилиш хўжаликлари, соғлиқни сақлаш масканлари, таълим ва фан, мактабгача тарбия муассасалари, маданият, ижтимоий таъминот. Жамоа транспорти ва хоказоларга хизмат килувчи ресурслар киради.

Қишлоқ хўжалик инфраструктураси эса ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш учун қишлоқ хўжалигида яратилган жами шарт – шароитларни ўз ичига олади. Бунга ишлаб чиқариш учун ва инсонлар яшашига зарур шароитлар иссиқлик энергетикаси, газ, ёруғлик билан таъминланганлик, омборхонлар ва хоказо ресурслар киради.

Қишлоқ хўжалигида ислохотни чуқурлатириш фермерлик ҳаракатини қўллаб – қувватлаш моддий ва молиявий базасини мустахкамлаш уларга янада кенг йўл очиб бериш бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдиради. Қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўладиган мулкый муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини химоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга.

Мисол учун фермер хўжаликлари моддий техника базасининг таркибий тузилмаси қуйидагилар иборат:

1. Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари;
2. Фермер хўжаликларидаги кўп йиллик дарахтлар ва узумзорлар;
3. Чорва фермерларнинг махсулдор ва ишчи хайвонлари;
4. Фермер хўжаликларидаги бино иншоотлар техникалар, машиналар ва бошқа иш қуроллари.

5. Фермер хўжаликларидаги айланмамаблағлар (уруғлик, озуқа ЁММ, минерал ўғитлар ва кимё);
6. Фермер хўжаликларининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлари;
7. Фермер хўжаликларининг таъсисчилиги асосида ташкил қилинган муқобил МТП, СИУ ва агрофирмалар ҳисобидаги мол – мулки;

3.2. Фан – техника тараққиёти, унинг йўналишлари ва интенсив технологиялар

Хар бир давлат иқтисодиётининг юксалишида фан – техника тараққиёти муҳим

жамиятга эга. Айниқса, қишлоқ хўжалигида моддий – техника ресурсларининг шакллантирилиши ва янада ривожлантирилиши учун фан техника тараққиёти катта аҳамият касб этади.

Умуман олганда, фан – техника тараққиёти йирик ишлаб чиқариш учун характерли бўлган фан ва техниканинг муттасил равишда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантирилишдир. Инсониятнинг кундан кунгача ортиб боровчи эҳтиёжларини қондириш учун фан – техника тараққиётини янада жадаллаштириш табиий жараён бўлиб бормоқда.

Фан - техника тараққиёти интеллектуал онг ривожланиш маҳсули бўлиб, қишлоқ хўжалигида у билан боғлиқ бўлган жами фанлардаги ўзгаришлар, ривожланишлар, уларнинг янада тараққий этиши, техника – тараққиётини яратиш ва у билан шуғулланувчи малакали кадрлар тайёрлаш натижасида янада юксакларга эришиш демакдир. Унинг асосий мақсади эса самарали, янги қишлоқ хўжалиги техникаларини, экологик. Жисмонан ва маънан талабларга жавоб берувчи ускуналарни, технологияларни, кимёвий воситалар, ўсимликчилик янги навларини, чорвачиликда ва технологияларни такомиллаштириб меҳнат унумдорлигини оширишдан иборат. Шунингдек қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдорини ошириш

ва сифатини яхшилаш уларни қайта ишлаш ва истеъмолчиларгача етказиб бериш жараёнини муаммосиз ташкил этиш ҳам фан техника тараққиётининг мақсадларидан биридир. Ушбу мақсад негизида эса республика иқтисодиётини юксалтириш ётади.

Фан техника тараққиётининг моҳияти фан ва техниканинг юксак суръатлар билан ўсиши учун бир – бири билан узвий равишда боғланиб, тараққий этишидан иборат. Уни жадаллаштириш зарурияти бир неча сабабларга асосланади:

Биринчидан фан техника тараққиёти туфайли бир – бирлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат сарфини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш:

Иккинчидан яроқсиз ҳолга келтирилган ва эски, лекин ишлатилаётган қишлоқ хўжалик техника, асбоб – ускуналар, технологияларини янги, замонавий ва сифатлисига алмаштириш ҳамда шу орқали моддий техника ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш. Айниқса, ҳом ашёни қайта ишлаб то тайёр маҳсулот яратгунга қадар бўлган жараёнларда янги техника – технологиялардан фойдаланишда, фан техника тараққиётининг заруриятидир.

Учинчидан қишлоқ хўжалик ва саноатда ишлаб иқаришни ташкил этишда ихтисослаштириш корхоналарни бир жойда тўплашнинг ўз ўрни бор. Ана шуни таъминлаш учун ҳам фан техника тараққиёти зарурдир

Тўртинчидан қишлоқ хўжалик умуман ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, ривожлантириш учун кадрларни тўғри танлаш ҳам муҳим. Фан техника тарққиёти эса янги – янги касбларнинг вужудга келишини талаб қилади ва ишловчиларни касб маҳоратини оширишга ундайди

Бешинчидан фан техника тараққиётини ривожлантириш техника - технологияларда туб ўзгаришлар киритиш негизида албатта меҳнат унумдорлигини оширишга эришилади. Фан техника тараққиёти икки шаклда амалга оширилади;

1. Эволюцион ёки босқичма – босқич шаклда (бунда фан ва техника меъёри билан, секинроқ ва қисман такомиллашиб боради).
2. Революцион ёки инқилобий шакл (бунда қонун – қоидага асосан янги техника ва технологияни вужудга келтириш ҳамда жамият ишлаб чиқарувчи кучларни тубдан ўзгартиришга эришилади).

Фан техника тараққиётининг жадал суръатлар билан ривожлантирилиши

иқтисодий ва ҳар томонлама интенсивлаштириш ҳисобига маҳсулот сифатини қатъий яхшилашнинг ҳал қилувчи воситаси ҳисобига содир бўлади. Қишлоқ хўжалигининг техникавий жиҳатдан янгилаш янги – янги технологиялар яратиш, ундаги моддий – техника базасини тубдан ўзгартиради. Булар билан бир қаторда ишлаб чиқаришни электрлаштириш, автоматлаштириш ва механизациялаш каби фан техника тараққиётининг йўналиши орқали фан ва техника ишлаб чиқарувчи кучга айланади.

Фан техника тараққиётининг яна бошқа йўналишлари ҳам мавжуд, булар ;

энергетикани ривожлантириш, транспорт, алоқа турларининг янгиларини вужудга келтириш, ҳар хил турдаги технологияларни ўзлаштириб, фан ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш, янги конструктив материалларни кашф қилиш ва фойдаланишни йўлга қўйиш, биотехнология, чиқитсиз технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ва хоказо.

Қишлоқ хўжалигида эса фан техника тараққиётининг йўналишлари халқ

хўжалигидаги йўналишларидан озроқ фарқ қилади. Бунлар қуйидагилар:

- Янги ерларни ўзлаштириш;
- Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- Янги сифатли суғориш воситалари ва технологияларини яратиш деҳқончиликда кам сув талаб этадиган, тез пишар ва юқори ҳосил берувчи уруғ навларни, серсахсул чорва молларини яратиш мавжуд интенсив технологияларни такомиллаштириш: қишлоқ хўжалигига сервис

хизматларни кўрсатиш, махсулотларни қайта ишлаш, сифатли сақлаш ва истеъмолчиларни ўз вақтида етказиб бериш қобилиятига эга бўлган технологиялар ва тадбиркорлик субъектларини шакллантириш ҳамда фан техника тарққиётини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга ўз вақтида жорий этишга хизмат қилувчи рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва уларни рағбатлантириш кабилар.

Фан техника таракқиёти ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг самарадорлигини оширишдаги ҳал қиувчи йўналишларидан бири. Интенсивлаштириш умумлаштириш серунумлик деган маъноларни англатади.

Фан техника таракқиёти жорий қилиниб янги техникани киритиш натижасида махсулот таннархи ҳам камаяди, бу эса қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta C = (T_1 - T_T) A_T$$

Бунда ΔC – янги техникани жорий қилиб, таннархни камайтиришдан келиб чиқувчи самарадорлик.

T_1 – янги махсулот таннархи (т – йилдаги)

T_T – эски махсулот таннархи

A_T – янги махсулотнинг т – йилдаги ҳажми.

Бундан эса фойда қай даражада ўзгариши формуласи ҳам

$$\Delta \Phi_{yT} = (B_T - T_T) - (B_T - T_T) A_T$$

$\Delta \Phi_{yT}$ – йилда фойданинг ўсиши, ум ҳисобида

B_T – техника киритгандан кейинги улгуржи баҳо

T_T – техника киритгандан кейинги бир бирлик махсулот таннархи

B_T – янги техника киритмасдан олдинги улгуржи баҳо

T_T – янги техника киритмасдан олдинги бир бирлик махсулот таннархи

A_T – янги махсулотнинг т – йилдаги ҳажми.

Фан техника тараққиеётининг жадал суръатлар билан ривожлантирилиши иқтисодиеётни хар томонлама интенсивлаштириш хисобига махсулот сифатини қатъий яхшилашнинг хал қилувчи воситаси хисобига содир бўлади. Қишлоқ хўжалигининг техникавий жихатдан янгилаш, янги – янги технологиялар яратиш, ундаги моддий техника базасини тубдан ўзгартиради. Булар билан бир қаторда ишлаб чиқаришни электрлаштириш, кимёлаштириш, компьютерлаштириш, автоматлаштириш ва меҳназациялаш каби фан техника тараққиеётининг йўналиши орқали фан ва техника ишлаб чиқариш кучга айланади.

Қишлоқ хўжалигида эса фан техника тараққиеётининг йўналишлари халқ хўжалигидаги йўналишлардан озроқ фарқ қилади.

3.3. қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базаси дейилганда, моддий бойлик ишлаб – чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндиси тушунилади. Қишлоқ хўжалигининг моддий – техника янгиликларидан кенг кўламда фойдаланиладиган, электрлашган йирик машина ишлаб чиқаришдир. Масалан, дехқончиликнинг моддий техника базасини тавсифласак, уни моддий асосда, техника асосида, тракторлар ва машиналарни дехқончиликда кўплаб ишлатиш электрлаштиришни оммавий миқёсда амалга ошириш асосидагина ҳал қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базаси таркибига ер ресурслари, тракторлар, машиналар, меҳнат қуроллари ва буюмлари, электр жихозлари, ёнилғи ва мойлаш материаллари, мелиорация ва йўл иншоотлари, алоқа воситалари, махсулдор ва ишчи ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар, уруғлик, озиқ ва хоказолар киради.

Қишлоқ хўжалиги моддий техника базаси халқ хўжалигининг бошқа сохалари моддий техника базасига нисбатан ўзига хос бир қатор хусусиятларга эга. Юқорида айтганимиздек, айниқса қишлоқ, қишлоқ хўжалиги моддий техника базасида энергетика ресурслари катта рол ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёридаги барча двигателлар, куч берувчи механизмлар ва ишчи хайвонлар қуввати йиғиндиси уларнинг энергетика ресурсларини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурсларига хўжалик ихтиёридаги тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари, стационар двигателлар, автомашинлар, электр генераторлар, пасайтирувчи трансформаторлар, ишчи хайвонлар ва бошқа турдаги механизмлар киради.

Қишлоқ хўжалигининг энергетика ресурслари доимо ривожланиб бормоқда. Кам қувватли ва тезлиги кам тракторлар кучли тезюрар ва иқтисодий жихатдан қулай тракторлар билан алмаштирилмоқда. Бунга мисол қилиб, республикамиз сотиб олаётган “Кейс” ва “Магнум” тракторларини кўрсатишимиз мумкин. Бу эса қишлоқ хўжалиги корхонларини юқори сифатли энергия қувватлари билан таъминламоқда.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг мутахкам оёққа туриши ва барқарор суръатлар билан ривожланиши учун уларнинг моддий техника базасини юксалтиришга эътибор қаратиш лозим. Фермер хўжалигининг моддий техника ресурслари таркибига хомашё ёқилғи мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, уруғлик ва кўчат, минерал ва органик ўғитлар, ем хашак ва ёш чорва моллари техника воситалари ва бошқалар киради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самардорлигини ошириш кўп жихатдан замонавий техника ва технологиялар билан қуролланишга боғлиқ бўлиб бормоқда ва бу ҳолат фермер хўжаликларини моддий техника воситалари билан таъминлаш йўналишларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Лекин шу билан бирга фермер хўжаликларининг ривожланиши бевосита унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмасининг хизмат сифати билан

узвий боғлиқдир. Маълумки, инфратузилма субъектларининг хизмат кўрсатиш сифати кўп жихатдан уларнинг моддий техника базаси билан таъминланиш даражасига боғлиқ.

Инфратузилма объектларининг моддий техника базасига уларнинг бино иншоотлари ва бошқа асбоб – ускуналари, техникалар, транспорт воситалари, электрон асбоблар, моделлар, ўлчаш асбоблари ва бошқа инфратузилма муассасаларининг фаолиятида қўлланилаётган асосий ва айланма воситаларидир.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасини техникалар билан таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан 2004-2010йиллар давомилда жами 14минг 548та, шундан 2004-йилда 900та, 2005йилда 1минг 876та, 2006-йилда 2минг 211та, 2007-йилда 652та, 2008-йилда 20минг 231та, 2009-йилда 3минг 7та ва 2010йилда 2минг 671та янги турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникалари фермер хўжаликлари ДАЖ МТП ва муқобил МТП ларга етказиб берилди.

Сотиб олинган қишлоқ хўжалик техникаларининг 2минг 548таси хайдов, 8минг 242таси чопиқ ва 3минг 524таси транспорт тракторларни ташкил этади.

Шу билан биргаликда бошоқли дон экинларни ўриб йиғиб олиш учун 2004-2010йиллар давомида жами 915та ундан 496та юқори унумли бўлган ғалла ўриш комбайлари сотиб олинди.

Кейинги йилларда республикамизда ишлаб чиқарилган техникаларни истеъмолчиларга етказиб бериш миқдорлари ҳам йидан йилга кўпайиб борди. 2009йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008йил 14 ноябрдаги 2009йилда ишлаб чиқарилган ва етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаларининг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги 247-сонли қарори билан белгиланган режага нисбатан 263та транспорт тракторлари, 580та култиваторлар, 173та трактор тиркамалари истеъмолчиларга кўпроқ етказиб берилиб 2004йилда янгидан сотиб олинган техникалар сонига

нисбатан чоппик тракторлари 3марта, транспорт тракторлари 6марта, култиваторлар 2.5марта кўп миқдорни ташкил этди.

2011йилнинг 1-январиди республикамиздаги умумий қишлоқ хўжалик техникалари сони 156минг 378тани ташкил этмоқда.

Жахон тажрибаси кўрсатишича ривожланган қишлоқ хўжалиги инфратузилмасига эга бўлмасдан туриб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш бозорга рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тақлиф этиш имконияти пасаяди.

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида инфратузилма хизматларининг шаклланиши ва ривожланиши асосан давлат кўмаги ва бевосита иштироки ёрдамида амалга оширилмоқда, яъни бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Президент Фармонлари асос бўлмоқда. Хусусан 2003йил 24-мартдаги “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги 2003йил 27-октябрдаги “2004-2006йилларда фермер хўжаликлрини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги 2006йил 17 парелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2007йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010йил давргача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш кўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, 2004-2006йилларда фермер хўжаликларини ривожланишини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2003йил 30 октябрдаги 476-сонли қарорларига асосан қишлоқ жойларда сервис ва инфратузилма шаҳобчалари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигида инфратузилма хизматларининг ташкил этиш миқдорий жиҳатдан ёндашиб келиинмоқда. Шу сабабли, ушбу хизматларни ташкил этиш фақат маъмурий усулда эмас балки истеъмолчининг ва бозордаги талаб ва тақлифлардан келиб чиққан ҳолда вужудга келиши лозим.

Маълумки республикамизда нархларнинг либераллашуви натижасида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари ўратсидаги номуносиблик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етиштирувчиларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига салбий таъсир этмоқда, шунингдек баъзи турдаги ресурсларнинг, техникавий воситаларнинг четдан олиб келиниши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасида бозор механизмларини ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш учун авваламбор, инфратузилма тармоғининг моддий техника базасини мустахкамлаб бориш зарур.

Қишлоқ хўжалигини инфратузилма корхоналарининг моддий техника ресурслари билан таъминланиш даражаси баҳоланганда қуйидаги объектларда ресурсларнинг ҳолати, сифати норматив меъёрга нисбатан мавжудлигига эътибор қаратиш лозим;

- Муқобил МТП бўйича, қишлоқ хўжалиги машина, трактор, кобайнлар, машина трактор паркиннинг бино – иншоотлари;
- СИУ бўйича, мелиоратив ва гидротехник иншоотлар, сув ўлчагич, насос, коллектор – зовур тизимлари.
- ЁММ ва минерал ўғит сотиш шаҳобчалари бўйича, махсус инвентар, асбоб – ускуна, омборхона, тарози, таралар.
- Минибанклар бўйича, зарур инвентарлар, персонал компьютерлар, моделлар.

Шунингдек ушбу ва бошқа қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси тармоқларининг моддий техника ресурслар билан таъминланиш даражаси таҳлил қилинганда нафақат техникалар сони, уларнинг турлари, сифати ишлаган муддати, яроқлилиги балки ҳозирги бозор талабларига жавоб беришини ҳам инобатга олиш зарурдир.

Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни натижасида ҳар йили фермер хўжаликларида моддий техника ресурслари, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари, техника воситалари

ва бошқа воситалар билан таъминлаш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасида кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир вилоятда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш таъминот ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир қилмоқда.

И.А.Каримов ўз сўзларида таъкидлаб ўтганларидек: “Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш билан ўта жиддий шуғулланиши, селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора тадбирлар комплексини ишлаб чиқариши зарур.

Чопиқ тракторларининг 55% дан ортиғи ва ер хайдайдиган тракторларнинг 46% 15йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётгани, бошқача айтганда улар белгиланган фойдаланиш муддатини аллақачон ўтаб бўлгани, қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб берайдиган эски техникалар экани ташвиш уйғотмасдан қолмайди”.

Моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган молиявий маблағни шакллантириш эса муқобил МТП ларда катта муаммо бўлиб қолмоқда, чунки уларнинг таъсисчилари ҳисобланган фермер хўжаликларидан хизмат ҳақи сифатида тушаётган маблағлар етарли эмас, шу билан бирга машина трактор паркларининг молиявий аҳволи ҳозирги кунда бунга йўл қўймайди. Таъсисчиларнинг қўшимча маблағлари ҳисобига уларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг механизмлари ишлаб чиқилмаган. Шунингдек фермер хўжаликларининг ер майдони ҳажми жихатдан жуда кам бўлиб техника салоҳиятини яхшилаш учун имкон берайди. Шу сабабли фермер хўжаликларини оптимал жойлаштириш ва ҳажмини катталаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Лизинг муносабатларини кенгайтириш қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий техника базасини мустаҳкамлашда устувор йўналиш

хисобига хисобланади. Хукуматнинг 2002йил 2 ноябрдаги “Лизинг бўйича қишлоқни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора тadbирлар ҳақида”ги қарори билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларни шу жумладан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг бўйича етказиб бериш механизми ишлаб чиқилган. Кейинги йилларда лизинг тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга 40дан зиёд ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бунинг натижасида лизинг муносабатлари такомиллашмоқда: 2007 йилда лизинг муддати 7 йилдан 10 йилга узайтирилди, лизинг бозорида лизинг компаниялари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида лизинг бозорида рақобатнинг кучайишини олиб келди. Аммо, таҳлилларга кўра муқобил МТП ларда лизингдан фойдаланиб техникалар харид қилиш етарли даражада ривожланган деб бўлмайди. Маълумки, республикамизда нархларнинг либераллашуви натижасида нархларнинг ўртасидаги номутоаносиблик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига салбий таъсир этмоқда. Шунингдек баъзи турдаги ресурсларнинг техника воситаларининг четдан олиб келиниши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошишига сабаб бўлмоқда.

3.3.1 – жадвал

Қарши туман “Руслан” фермер хўжалиги Фермер хўжалигида экин майдони таркиби

№	Экин турлари	2010 й	2011 й	2012 й	2012-йилда 2010-йилга нисбатан %
1	Пахта	34.5	33.2	32	92.8
2	Ғалла	38.7	39	39	100.8
3	Беда	2	3	3	150.0
4	Маккажухори, силос учун	1	2	2.2	220.0
		76.2	76.2	76.2	100.0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдиги, фермер хўжалигида экинмайдони 76.2 гектарни ташкил қилади. Шундан пахта майдони 2012 йилда 32 га, ғалла майдони 39га, беда 3га ва маккажухори силос учун 2.2 га ни ташкил этган. Тахлил қилинаётган давр мобайнида асосан ғалла, беда ва маккажухори майдони кенгайиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш билан ўта жиддий шуғулланиши, селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг махсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши зарур.

3.3.2-жадвал.

Қарши тумани “Руслан” фермер хўжалигида ер ресурсларидан фойдаланиш кўрсаткичлари тахлили.

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010й	2011й	2012й	2012йилда 2010йилга нисбатан ўзгариши
1	Хосилдорлик	ц/га	24.8	29.1	23.6	95.3
-	Пахта	ц/га	35.0	30.0	33.8	96.5
-	Ғалла	ц/га	24.0	26.5	33.8	116.7
-	Беда	ц/га	210	280	280	114.3
-	Макка силос учун	ц/га				
2	Ялпи хосил	ц	750.0	756.0	240	96.5
-	Пахта	ц	1050.0	960.0	755.0	100.7
-	Ғалла	ц	480	795	811.0	77.2

-	Беда	ц	210	560	840	175.0
-	Макка силос учун	ц	783.9	1172.4	528	251.4
3	1 га ерга сарфланган харажат	Минг сўмда	735.4	1753.8	1340.8	171.30
-	Пахта	Минг сўмда	833.0	700.0	1603.5	218.0
-	Ғалла	Минг сўмда	816.9	1218.2	990.4	118.9
4	1 га ердан олинган даромад	Минг сўм	801.0	1218.2	1412.9	173.0
-	Пахта	Минг сўм	833.0	1847.1	1729.7	216.0
-	Ғалла	Минг сўм	33.0	707.3	990.4	118.9
5	1 га ердан олинган фойда	Минг сўмга	65.5	45.8	72.1	218.8
-	Пахта	Минг сўм	33.0	93.3	126.2	192.5
-	Ғалла	Минг сўм	0.0	7.3	0.0	-

Жадвал маълумотларини таҳлил қилар эканмиз фермер хўжалигида пахта ва ғалланинг ҳосилдорлиги пасайиб борганлигини кўришимиз умкин. Шу билан бирга озуқабоп экинларни ҳосилдорлиги пасйиб борганлиги сабабли ошиб борган. Бир гектар ерга сарфланган харажатлар ҳам 2012 йилда 2010 йилга нисбатан пахта экини бўйича 118% га, ғалла экини бўйича

18% га ошганлигини кўришимиз умкин. Пахта экин тури бўйича 1 гектардан олинган фойда 2012 йилда 126.2 минг сўмни ташкил этган.

2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010йил 14 ноябрдаги 2011 йилда ишлаб чиқарилган ва етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаларнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги 247-сонли қарори билан транспорт тракторлари, 580та култиваторлар, 173та трактор тиркамалари истеъмолчиларга кўпроқ етказиб берилиб 2004йилда янгидан сотиб олинган техникалар сонига нисбатан чопиқ тракторлари 3 марта, тарнспорт тракторлари 6 марта, култиваторлар 2.5 марта кўп миқдорда ташкил этди.

2011й илнинг 1-январ ҳолатига республикамиздаги умумий қишлоқ хўжалиги техникалари сони 156минг 378тани ташкил этмоқда

3.3.3- жадвал

Қарши тумани “Руслан” фермер хўжалигида 1 центнер пахта ишлаб чиқари учун сарфланган ресурслар харажати

Кўрсаткичлар	2009й		2010й		2011й		2011йилда 2009йилга нисбатан ўзгариши	
	1000сў м	%	1000сў м	%	1000сў м	%	+ / -	%
Ишлаб чиқариш харажатлари	36.9	100.	60.3	100.0	68.0	100.0	31.1	184.3
Уруғлик	2.9	7.8	3.4	5.7	2.8	4.2	-0.1	96.6
Ўғит	6.7	18.1	18.2	30.2	13.3	19.6	6.6	198.5
ЁММ	4.6	12.4	5.7	9.5	11.0	16.2	6.4	239.1
Ишлар ва хизматлар	15.1	40.9	8.0	13.3	9.3	13.6	-5.8	61.6

Иш хақи	6.1	16.6	15.3	25.4	19.9	29.2	13.8	326.2
Суғурта тўловлари	1.5	4.2	3.8	6.4	5.0	7.3	3.5	333.3
Умум ишлаб чиқариш харажатлари	-	-	4.8	7.9	3.7	5.5	-	-
Бошқа харажатлар	-	-	1.0	1.6	3.0	4.4	-	-

Жадвалда кўриниб турибдики, фермер хўжалигида 1 ц пахта ишлаб чиқариш харажатлари ошиб борган ва 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 84.3% га ошган. Шундан ўғит харажатлари 98.5% га ЁММ харажатлари 139.1% га, иш хақи харажатлари 226.2% га ва суғурта тўловлари 233.3% га ошган.

3.3.4-жадвал.

Қарши тумани “Руслан” фермер хўжалигида 1 центнер ғалла ишлаб чиқариш учун сарфлаш ресурслар харажати.

Кўрсаткичлар	2009й		2010й		2011й		2011йилда 2009йилга нисбатан ўзгариши	
							+ / -	%
Ишлаб чиқариш харажатлари	23.8	100.0	23.7	100.0	29.3	100.0	5.5	123.1
Уруғлик	2.4	10.2	4	16.9	6.5	22.2	4.1	270.8
Ўғит	3.8	15.9	6.8	28.8	8.1	27.8	4.3	213.2
ЁММ	2.9	12.3	3.8	16.1	6.4	21.9	3.5	220.7
Ишлар ва хизматлар	7.7	32.3	3.5	14.7	3.7	12.6	-4	48.1

Иш хақи	2.5	10.4	2.1	8.9	2.5	8.4	0	100.0
Суғурта тўловлари	0.6	2.5	0.5	2.2	0.6	2.1	0	100.0
Умум ишлаб чиқариш харажатлари	1.4	6	0	0	1.4	4.6	0	100.0
Бошқа харажатлар	2.5	10.4	2.9	12.3	0.1	0.4	-2.4	4.0

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики 1 ц ғалла ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар 2012йилда 2010 йилга нисбатан 23.1% га , шу жумладан уруғлик 170.8% ўғит 113.2%, ЁММ 120.7% га ошган.

3.4. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик жихозлашда ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш йўналишлари.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу муносабат билан мухтарам Президентимиз томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва амлада қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш уруғчилик – селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг махсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари Ўзбекистон

Республикаси Президенти тоомнидан ишлаб чиқилган “Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да баён этилган.

Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011-2015 йиллар мобайнида:

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1.3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи маҳсулотидаги улушини 17.5 % дан 13.5% га пасайтириш.
- Қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилди. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15% га ошириш сарфини 12% га камайтириш.
- Мева сабзавот тайёрлашни 1.5 баробари, картошка етиштиришни 1.4 баробар, полиз ва узумни 1.3 баробар кўпайтириш.
- Наслчилик ишларини такомиллаштириш озуқа базасини мустаҳкамлаш замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2.5 баробардан, озуқа экинлари майдонини 1.3 баробар ошириш.
- Зооветеринария пунктларини замонавий жихозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1.3 баробар гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1.3 марта ошириш.
- Паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1.8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалигини ташкил этиш.
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1.7

баробар, гўшт консерваларни 2.2 баробар, колбаса махсулотларини 1.8 баробар, сут махсулотларини 1.9 баробар ошириш.

- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1.4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.
- Қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш фермерларни унумли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

Республикамизда озиқ – овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлганг мевалар дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева махсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2011 йилнинг кузи ва 2012 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонда янги мевали боғлар, шундан 20 гектар ерга интенсив боғлар барпо этиш 8518.8 гектар майдондаги боғларни қайта экинш реконструкция қилиш белгиланган.

Мамлакатимизда аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида меъёрда таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совутиш камераларига эга бўлган омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ, аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам равишда мева ва сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120.8 минг тонна сиғимга эга янги совутиш камераларини

қуриш ва 49.1 минг тонна сиғимга эга мавжуд совутиш камераларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригация – мелиорация ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижасига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60%га ўта шўрланган ерларда эса 90-100%га паст бўлиши аниқланган.

Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007йил 29 октябрдаги “Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизмиларини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 3932-сонли фармониға мувофиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008-2012 йилларда яхшилаш бўйича чора тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашға йўналтирилган куйидаги тадбирлар мажмуасини амалға ошириш мўлжалланган:

1. Магистрал ва хўжаликларға зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ – ётиқ дренажларни тиклаш.
2. Мелиоратив насос станцияларни гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалға ошириш.
3. Сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларини моддий – техника базасини мустаҳкамлаш.

3.4.1-жадвал

**Мамлакатимиз бўйича мелиоратив тадбирларга ажратилган маблағлар
миллиард сўмда**

Тадбирлар номи	Жами 2009- 2011йиллард а	Шу жумладан			
		2009 й	2010 й	2011 й	2012 й
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	225.1	22.4	57.3	63.8	81.6
Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	222.9	38.6	48.1	59.2	77.0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар ётазиб беришга	101.9	29.3	25.4	27.2	20.0
Жами	550.0	90.3	130.8	150.2	178.6

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация – мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ишлари давом этмоқда. Жумладан 2009йилга бу мақсадлар учун жами 90.3 миллиард сўм ажратилган бўлса 2012йилга келиб бу кўрсаткич 178.6 миллиард сўмга етди. Ўтган 2009-2012йилларда жами ажратилган маблағлар қиймати 550.0 миллиард сўмни ташкил этди.

2011 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш , ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳукуматимизни диққат марказида бўлди. Ҳозирги кунда суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қиймати 561миллион АҚШ долларига тенг бўлган

чет эл инвестициялари иштирокидаги 11та лойиха амалга оширилмоқда. Шундан 2010йилда қиймати 62.25 миллион АҚШ доллари бўлган 9та 2011йилда эса қиймати 112.9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 11та инвестицион лойиха асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди. Амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2006-2011йиллар давомида шўрланмаган майдонлар ҳажми 2109минг гекталрдан 2192минг гектарга кенгайиб, кучли шўрланган ерлар ҳажми 163минг гектардан 126минг гектарга қисқарди. Ер ости сизот сувлари сатхининг чуқурлиги 1.5 метргача бўлган майдонлар ҳажми 2001-2011йиллар давомида 272минг гектардан 177минг гектарга қисқарди.

Суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда қишлоқ хўжалигини экинларни суғоришнинг усуллари орий этишнинг ахамияти атта. Чунки республикамиздаги сув танқислиги шароитида суғоришнинг замонавий усуллари қўллаш орқалигина аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мумкин. Кейинги йилларда мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида экинларни суғоришнинг янги технологиялари синовдан ўтмоқда ва қўллашга тавсия этилмоқда. Биргина 2011йилнинг ўзида 1571гектар ерга томчилатиб суғориш технологияси, 543гектарга агатга полиэтилен плёнка тўшаб суғориш тизими, 753гектарга кўчма ва эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий этилгани диққатга сазовордир.

Мухтасар қилиб айтганда, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида:

- Суғориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ва шўрланиш даражаси пасайиб, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда.
- Хўжаликларни сув билан таъминлаш тизими яхшиланиб бормоқда.
- Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ортиб, хўжаликларининг даромадлари юксалмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг ахамияти беқиёсдир.

3.4.2-жадвал

2007-2012йилларда мамлакатимиз бўйича янги сотиб олинган қишлоқ хўжалиги техникалари

Техникалар номи	2007й	2008й	2009й	2010й	2011й	2012й	2007- 2012йиллар давомида жами
Тракторлар	2211	1652	2231	3007	2671	2124	13896
Хайдов тракторлари	634	164	454	191	378	546	2367
Ш.Ж.юқори унумли	2	6	6	36	83	297	430
Чопиқ тракторлари	1182	1293	1174	1697	1359	1098	7803
Трактор тиркамалари	368	250	348	1421	691	882	3960
Култиваторлар	503	279	440	1433	633	315	3603
Чигит сеялкалари	352	178	237	215	320	552	1854
Дон ўриш комбайнлари	116	93	332	123	167	245	1076
	130	90	117	244	67	153	801
Ш.Ж. юқори унумли	55	52	86	110	167	245	715

Назарий дарс ўтиш методикаси

4.1. Касб-хунар коллежларида назарий таълим беришнинг асослари

Назарий дарсда ўқитувчи томонидан ўрганилаётган билимлар, малакалар, кўникмалар талабаларга ёппасига баён этилади. Назарий дарсни баён этилиш жойига қараб ҳар хил бўлиши мумкин, яъни тегишли фанларга оид ижтимоий характерга эга маърузалар, техника-технологияларга оид маърузалар илмий педагогик марказлар ва бошқалар.

Ижтимоий фанларга оид назарий дарсни баён этилиш жараёнида унга қуйидаги талаблар қўйилади.:

- берилаётган материаллар илмий характерга эга бўлиши;
- назарий дарс системали (тизимли) бўлиши;
- материаллар, маълумотлар талабалар кучига мос ва хос бўлиши;
- назарий дарсда назарий масалалар амалиёт билан бевосита боғланган бўлиши;
- назарий дарсда мавзуга оид Республикадаги ижтимоий-иқтисодий воқеа-ҳодисаларнинг энг сўнгги статистик маълумотлари билан бойитилган бўлиши лозим.

Назарий дарсни баён қилишда тушунарли, аниқ бўлишини таъминлаш, терменларга изоҳлаш, зарур миқдордаги мисоллар ва кўрсатмалар танлаш, ҳар хил кўргазмали воситалардан фойдаланишнинг ҳам аҳамияти катта

Назарий дарсга тайёрланиш жараёнида ўқитувчи мавзу бўйича саволларни қандай баён қилишни, қандай услублар қўллашини кўз ўнгига келтириши керак. Мавзу бўйича адабиётларни, зарур маълумотларни ана шундагина тўғри танлаши мумкин. Яна шуни ҳам ҳисобга олиши зарурки, агар ўқитувчи зарур далиллар, маълумотларга эга бўлсада, уларни ишонарли, асосланган ҳолда баён қилмаслиги, фандаги долзарб саволларга жавоб беришдан четлаб ўтиши ёки четга чиқиши мумкин. Бу талабаларда маърузадан қониқмасликка, унинг ишончлилиги ва тарбиявий аҳамиятини тушунтиришга олиб келади.

Назарий дарснинг илмийлиги материални баён қилишнинг изчиллиги, саволларни аниқ, тушунарли қўйилишини назарда тутати. Илмий-иқтисодий жараёнлар, иқтисодий ҳаётни таҳлил қилишда тарихийликка амал қилишни талаб қилади.

Назарий дарсни ўрганишда қизиқиш, иштиёқ, талабаларда фанни янада чуқурроқ ўрганишга хоҳиш истакуйхотиши керак. Бунинг учун назарий дарсга қўйиладиган талаблар асосида тайёрланиб ўтказиш керак.

4.2. “Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари” мавзусидаги маъруза машғулотининг таълим технологияси.

4.1.жадвал

Вақти:2соат	Талабалар сони:50
Машғулот шакли	Маъруза
Маъруза режаси	-Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳақида тушунча, уларнинг ахамияти ва ўзига хос хусусиятлар: -Фан техника тараққиёти унинг йўналишлари ва интенсив технологиялар: -Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар: -Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик жихозлашда ишлаб чиқариш

	воситаларидан самарали фойдаланиш йўналишлари.
Машғулотнинг мақсади	“Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истикболлари” тўғрисида талабалар билимини шакллантириш
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари
-Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтиб бериш: -Фан техника тараққиёти унинг йўналишлари ва интенсив технологиялар ҳақида тушунча бериш: -Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қиладилар: - Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик жихозлашда ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш йўналишлари ҳақида тушунча бериш:	-Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтиб берадилар: -Фан техника тараққиёти унинг йўналишлари ва интенсив технологиялар ҳақида айтиб берадилар: -Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни таҳлил қиладилар: - Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик жихозлашда ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш йўналишлари ҳақида тушунча берадилар:
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, ақлий хужум, муаммоли

	вазият усули, намоёиш этиш
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланма, маъруза материаллари, компютер техникаси, слайдлардан фойдаланиш
Ўқитиш шакллари	Жамоа бўлиб ишлаш, гурухларда ишлаш
Ўқитиш шарт - шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган ва гурухларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг	Назорат саволлари

4.3.Маъруза машғулоти текнологик харитаси

4.2.жадвал

Фаолият босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1. Кириш босқичи (10минут)	1.1. Мавзунинг номи,мақсади, бўлажак натижаларини эслатади. Машғулотнинг ўтказилиш тартибини тушунтиради. 1.2. Муаммоли вазият усулларини ўтказиш ва баҳолаш мезонларини эълон	Эшитади ёздилар. Мавзу номини ёзиб олади. Тушунчаларни эркин фикр орқали билдиради, фаоллашади.

	қилади. 1.3. Мавзу бўйича маъруза машғулотининг режасига изох беради.	
2. Асосий босқич (60 минут)	2.1 Мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вази- фаларни аниқ- лайди, талабаларга муаммони баён қилади 2.2 Талабаларга топ- ширикнинг мақсад вазифалари ва шароитлари билан таништиради.	Талабалар 2 гуруҳга бўлинади ва мавзу бўйича муаммоли вазиятни келиб чиқиш сабабларини аниқлашга гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечимини топадилар. Хар бир гуруҳ тақдимот қилади.
3. Якуний босқич (10минут)	2.3 Талабаларни кичик гуруҳларга ажра- тади. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама ва таҳлил қилади, мақбул ва- риантларини танлаб олади. 2.4 Гуруҳлар фаолияти ташкил қилинади.	

4.4. “Фермр хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари”

Дарс тури:	Назарий машғулот.
Даср учун ажратилган вақт:	80 дақиқа.
Дарс ўтиш жойи:	“Муаммоли вазият” усулидан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш учун мўлжалланган хона.
Ўқиш методи:	Оғзаки, муаммоли, мунозара усуллар.
Дарснинг методик таъминоти:	Ўқув услубий қўлланмалар, саволлар, аудиовизуал воситалар, диапроектор электрон дарсликлар.
Дарснинг мақсади:	Мавзуни ўзлаштириш орқали талабаларда фан моҳиятини тушунтириш, касбий қизиқтириш малакалар ошириш.
Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:	Талабаларни мавзу юзасидан билимини ривожлантириш фикрларини ошириш.

Дарс ўтиш тартиби

1. Ташкилий қисм.

Таълим тарбия жараёнини амалга оширишда ўқиб ўрганишга қизиқиш уйғота олиш, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш таълим олувчилар орасида психологик иқлим яратиш ўз хис туйғуларини ташкил этиш ҳамда бошқара олишга ташкилий қисмни ахамияти катта.

2. Олдинги ўтилган мавзунини мустахкамлаш.

Ўқитувчи олдинги ўтилган мавзу юзасидан топшириқларни бажарилишини назорат қилишда ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб тест саволларини тузиб келиб уларнинг тушунчаларини компьютерда тест ўтказиб текшириб кўрилади.

3. Янги мавзунини баён қилиш.

Ўқитувчи аввалги ўтилган мавзунини янги мавзу билан боғлаб, дарс режасини доскага ёзади ва фойдаланишга тавсия қилинадиган дарсликлар, адабиётларни ҳам айтиб ўтиш мумкин.

Янги мавзунини тушунтириш тузилган дарс режасига асосланиб олиб борилади. Дарс жараёнида ҳар бир режани тушунтиришда муаммоли вазиятлар яратиб дарсни мустахкамлаб борилади.

Дарс режаси

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари.
2. Фан техника тараққиётининг унинг йўналишлари ва интенсив технологиялар.
3. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш таъсир этувчи омиллар.
4. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик жихозлашда ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш йўналишлари.

Дарс баёни

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш воситаларининг мавжуд бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш воситалари меҳнат воситалари ва меҳнат буюмларидан ташкил топади.

Меҳнат буюмлари инсон меҳнати таъсирида ўз шаклини ўзгартирадиган табиат буюмлари: хомашё ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва ёрдамчи материаллардан иборат бўлади. Меҳнат буюмлари ҳар бир

махслот ишлаб чиқариш даврида тўлалигича истеъмол қилиниб, ўзининг буюмлашган шаклини ўзгартиради ва ўз қийматини янгитдан яратилаётган махсулотга кўчиради.

Инсон меҳнат буюмларига меҳнат воситалари ёрдамида таъсир ўтказади. Меҳнат воситалари ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг натурал кўринишини ўзгартрмайди, ўз қийматини янгитдан яратилаётган махсулотга қисман кўчириб боради ва бир неча ишлаб чиқариш даврида иштирок этади. Меҳнат воситалари таркибига машиналар, ускуналар, бинолар, махсулдор ва ишчи чорва моллари, транспорт воситалари ва бошқалар киради.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш хусусиятларига кўра меҳнат воситалари асосий фондлар, меҳнат буюмлари эса айланма фондлар деб юритилади. Асосий ва айланма фондларнинг йиғиндиси хўжаликнинг ишлаб чиқариш фондларини ташкил этади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёни муомала соҳасида якунланиш сабабли ишлаб чиқаришнинг асосий ва айланма фондлардан ташқари муомала фондлари ҳам мавжуд бўлади. Асосий фондлар хўжаликнинг асосий воситаларини ташкил этади.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш фондлари муҳим рол ўйнайди. Унинг таркибига иморатлар, иншоотлар, ўтказувчи мосламалар, машина ва асбоб ускуналар, транспорт воситалари, ускуналар, махсулдор ва ишчи ҳайвонлар, кўп йиллик дарахтлар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари, шунингдек ер унумдорлигини тубдан яхшилашга йўналтирилган капитал қўйилмалар киради.

Айланма фондлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган меҳнат буюмлари ва моддий қийматликлардан ташкил топади. Уларнинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, айланма фондлари ишлаб чиқариш жараёнида тўлиқ истеъмол қилиниб ўзининг буюмлашган кўринишини ўзгартиради ва қийматини янгитдан яратилаётган махсулотга кўчириши. Асосий ва айланма воситалар фермер хўжалигининг ишлб чиқариш жараёнини ташкил қилишда

муҳим омиллардан ҳисобланади. Асосий ва айланма фондлардан оқилона фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва унинг таннарҳини пасайтиришга, ишлаб чиқариш рентабеллигини кўтариш ва охир оқибат хўжаликнинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигининг моддий техника базаси дейилганда, моддий ишлаб чиқариш шароитида бевосита банд бўлган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндиси тушунилади.

Янги мавзун мустаҳкамлаш.

Талабаларнинг янги ўтилган мавзун қанчалик даражада тушунганликларини баҳолаш учун муаммоли вазиятларни келтириб чиқарилади ва талабаларни икки гуруҳга ажратилади. Гуруҳларга муаммони баён этилади.

Талабалар мавзу бўйича муаммоли вазиятни келиб чиқиш сабабларини аниқлашга киришадилар. Гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечимини топадилар. Ҳар бир гуруҳ тақдимот қилади.

Ўқитувчи муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама ва таҳлил қилади мақбул вариантларни танлаб олади.

Дарсни якунлаш.

Талабалар фаоллигини баҳоланади. Уйга бажариб келиш учун вазифалар ва адабиётлар рўйхати берилади. Дарсга якун ясалади.

5.Амалий машғулотни ўтказиш методикаси.

5.1. Амалий машғулотни ўтиш юзасидан методик кўрсатма.

Амалий машғулотни таълим тарбия бериш ҳамда назарияни амалиёт билан боғлаш функциясини бажаради. Амалий машғулот кенг маънода семинар, машқ, лаборатория ишини умумий ҳолда ифодаланишидир.

Амалий машғулот ўтказиш учун методик тайёргарлик кўришнинг тахминий иш режаси қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Кириш

- Саломлашиш
- Ўтган дарс мавзусини қисқаа такрорлаш
- Янги мавзунини талабаларга ҳавола қилиш
- Дарсда ўтиладиган мавзунинг мақсадини баён қилиш
- Дарсда муҳокама қилинадиган саволлар режасини баён қилиш

2.Дарс ўтиш

- Мавзуда кўриладиган асосий масалалар категорияларни баён қилиш
- Асосий концепцияларни масала муаммоларни тушунтириш қайтариш билан талабалар билимини мустаҳкамлаш
- Ҳаётда уларни қўллаш борасида мисоллар келтириш
- Семинар дарслар, амалий машғулотларда масалаларни, машқлар ечиш ва бошқа қатор методлар ёрдамида билимни мустаҳкамлаш

3. Дарсни якунлаш

- Дарсда баён қилинган фикрларни умумлаштириш
- дарсга хотима ясаб талабаларни келгусида бажарилиши керак бўлган ишларга йўналтириш

Амалий машғулотга қўйидаги асосий талаблар қўйилади.

1. Ҳар қандай машғулотдан кўзланган мақсад топшириқнинг мазмунига мос бўлиши керак.

2. Амалий машғулотни замирида назария билан амалиётнинг бирлиги дидактик тамойили ётиши лозим.
3. Амалий машғулотда янги педагогик технологиялар ёки интерактив методлардан фойдаланиш лозим.
4. Амалий машғулот ишлаб чиқилган ўқув дастурига мос келиши керак.
5. Ўқувчилар амалий машғулотни инструкцион технологик харитада кўрсатилган топшириқлар асосида бажаришлари лозим.
6. Дарснинг бошланишидаёқ ўқувчиларда фаоллик ва ҳар бир ишга нисбатан онгли муносабат ҳосил қилиниши лозим.
7. Амалий машғулотлар ўқитувчини пухта тайёргарлик кўришини талаб қилади.
8. Ўқувчилар амалий машғулотларга фаол иштирок этишлари лозим.

5.2. “Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари” мавзусида амалий таълим бериш технологияси.

<i>Талабалар сони: 20 та</i>	<i>Дарс вақти - 2 соат</i>
<i>Машғулот шакли</i>	Билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий машғулот
<i>Машғулот режаси</i>	- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари; -Фан техника тараққиёти, унинг йўналишлари ва интенсив технологиялар; - Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш воситалардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар; -Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш

	ва технологик жиҳозлашда ишлаб чиқариш воситалардан самарали фойдаланиш йўналишлари .
Ўқув маишулотининг мақсади	Мавзу бўйича талабалар билимларини чуқур ўзлаштиришни таъминлаш
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
- мавзуни мустақил ўзлаштириш ўрганиш учун асос яратади; - мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради; - ролли ўйин методини ташкил этади; - ўз нуқтаи назарига эга бўлишни шакллантиради; - мантикий хулоса чиқаришга кўмак беради.	- Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида берилган фикрларни таҳлил қиладилар; - Фан техника тараққиёти, унинг йўналишлари ва интенсив технологиялар тўғрисида фикрини намоён этадилар; - Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш воситалардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар бўйича ўз фикрларини баён қиладилар. - Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва технологик жиҳозлашда ишлаб чиқариш воситалардан самарали фойдаланиш йўналишлари ўз фикрларини намоён этадилар;
Ўқитиш усуллари ва техника:	Ролли ўйин методи, гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари:	Карточкалар, доска, кодоскоп, плакат, жадваллар.
Ўқитиш шакллари:	Кичик гуруҳларда ишлаш усули.
Ўқитиш шарт-шароитлари:	Роллар ижро этиш мумкин бўлган

	аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш:	тест назорати, савол-жавоб, ўз -ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

5.3. “Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истикболлари” мавзусида амалий машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари</i>	<i>Ўқувчи фаолиятининг мазмуни</i>	<i>Талаба фаолиятининг мазмуни</i>
<i>1-Босқич Кириш (10минут)</i>	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. 1.2. «Ролли ўйин» методидан фойдаланилган ҳолда талабаларга бажарилган ишларни кўздан кечириб хулосалайди. 1.3. Олдиндан маълумотга эга бўлган Талабалар фикрини умумлаштириб, уларни 3 та кичик гуруҳларга бўлади. 1.4 Ишлаб чиқариш воситалар ва улардан қандай фойдаланиш бўйича сценарий ишлаб чиқади. 1.5. Ўйиннинг моҳияти ва вазифалари ҳақида тушунча беради. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан. таништиради.	Мавзу номини ёзиб оладилар Ёзиб оладилар Олдиндан маълумотга эга бўлган талабалар фикрларини эркин билдирадилар, кичик гуруҳларга бўлинади Ёзиб оладилар

2- босқич Асосий (60 мин)	2.1. Мавзу бўйича олдиндан тақсимланган ролларни эслатади ва гуруҳларда ишлашни ташкил этади. 2.2. 3 та гуруҳга бўлади, талабаларга карточкалар орқали ролларни тақсимлайди. 2.3. Кўрсатмалар беради ва йўналтиради. 2.4. Гуруҳни бошқаради; Кичик гуруҳлар ишини эшитади, таҳлил қилади ва тўлдиради. Мавзу юзасидан саволларга жавоб беради.	3 та гуруҳ ташкил қилинади. Кичик гуруҳ аъзоларига (Раҳбар, менежер, бухгалтер ва бошқа) ролларни тақсимлаб оладилар. Ролларни ижро этадилар. Роль ижро этмаган талабалар уларни кузатадилар. Якуний хулосага келинади.
3-босқич Якуний (10 мин)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. 3.2. Ўз-ўзини назорат ва мустаҳкамлаш учун савол беради. 3.3. Баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади. 3.4 Мустақил ишлаш учун топшириқ беради.	Ҳар бир гуруҳ Саволлар берадилар Саволларга жавоб берадилар Баҳо оладилар Ўқув услубий мажмуага қарайдилар

5.4. Ролли ўйинлар асосида амалий машғулот ўтказиш методикаси.

Мавзу: “Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истикболлари”

Дарс тури:	Амалий машғулот.
Дарс учун ажратилган вақт:	80 дақиқа
Дарс ўтиш жойи	Ролли ўйин методи асосида кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш учун қулай бўлган аудитория
Ўқиш методи:	Ролли ўйин методи асосида кичик гуруҳларда ишлаш усуллари.
Дарснинг методик таъминоти:	Компьютер технологияси, карточкалар, сценарий асосида тузилган роллар, ўқув қўлланмалари.
Дарснинг мақсади:	Талабаларда мавзу бўйича роллар бажаришлари натижасида қизиқишини, муомала малакасини шакллантириш.
Дарснинг тарбиявий мақсади:	Талабаларда мавзу бўйича роллар бажариш натижасида фаол мустақил фикрлаш, амалий машғулотга иштирок этиш, мавзуни тарбиявий аҳамиятини тушунтириш, ўзи танлаган касбига қизиқиш уйғотиш.
Дарснинг ривожлантирувчи	Ролни бажариш орқали талабаларда мавзу бўйича

мақсади:

тушунча,малака, касбий мулоқот
маданиятига ўргатиш.

Ролли ўйин методи асосида дарс ўтиш тавсифи.

“Ролли ўйин” методи таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт шароитларини сахналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир. “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчилар томонидан ишлаб чиқилган сценарийлардаги ролларни ижро этишади.

“Ролли ўйин” да белгиланган муаммони ечиш бўйича иштирокчилар биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган.

“Ролли ўйин”методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характери, хулқ атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради.

Ролли ўйин методини ўтказиш тартиби қуйидагича бўлади:

1. Ўқитувчи томонидан қишлоқ хўжалигига қандай инвестициялар жалб этиш киритиш ва ундан қандай фойдаланиш мумкинлиги бўйича сценарий ишлаб чиқилади. Сценарийда иложи борица кўпроқ талабаларни жалб қилиш йўллари қидириш лозим.
2. Талабаларга ўқитувчи ўйиннинг моҳияти ва вазифалари ҳақида тушунча беради. Тушунча бериш давомида қандай муаммолар кўрилиб чиқиши, унда талабалар томонидан бажарилиши мўлжалланган роллар ҳақида тушунча берилади. Ҳар бир рол бажарувчи талабанинг вазифаси тушунтирилади. Ролларни тақсимлашда талабанинг имконини эътиборга олиш лозим. Таълим олувчиларга ўйин шартлари ва натижаларини баҳолаш мезонлари таништирилади.

3. Роллар тақсимланади. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимланади. Мавзу бўйича тайёрланган сценарийда кўрсатилган ишлар бажарилиши учун роллар тақсимлашда гуруҳни икки звенога бўлиб ҳар қайси звенодаги биттадан талаба танлаб олинса ўйин жуда ҳам қизиқарди бўлади. Таълим олувчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.
4. Роллар ижро этилди. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар, роллар ижро этишда тасдиқланган шартга риоя қилиниши лозим. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан кузатади.
5. Якуний хулосага келинади. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни янада қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулохазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади. Ўйин давомида ҳар бир ролни ижро этувчи вазифасини тўғри бажариш берилган вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради.

“Ролли ўйин методи тузилмаси”

Сценарий ишлаб чиқиш

Ўйиннинг мақсади ва вазифалари

Роллар тақсимланади

Роллар ижро этилади

Якуний хулосага келиш

Сценарий махсус фан бўйича ўтилатган мавзуга мос равишда ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг фикр - мулоҳазаларини билдириб керакли ҳулоса чиқаришлари лозим.

Хулоса

Битирув малакавий иши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган бўлиб, Қарши туман “Руслан” фермер хўжалиги мисолида тайёрланган. Маълумки мамлакатимизда амлаг оширилаётган ижтимоий – иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар тахлили шуни кўрсатадики, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлаб чиқаришни диверсификация этиш жараёнларининг ўрни бекиёс ҳисобланади. Ш нуктаи назардан қараб амалга оширилаётган ислохотларни моҳияти ва тамойилларини таҳлил қилиш, модернизация ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилишда тармоқни юқори унумли техника ва технологиялар билан таъминлашнинг аҳамияти бекиёсдир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиб келинаётган хайдов ва чопиқ тракторларини ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналарининг катта қисми эскириб, ўз хихмат муддатини ўтаб бўлгани сир эмас. Шунингдек бундай техникаларнинг иш унуми, ёқилғи сарфлаш меъёри замонавий талабларга жавоб бермаслиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ишлаб чиқариш таннарихи ошиб кетмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигига юқори унумли, замонавий ва ресурс тежайдиган техникаларни жалб этиш, бу борада аввало чет элнинг илғор компаниялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш талаб этилади. Жумладан Германиянинг “Класс” компанияси

билан замонавий иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш бўйича олиб борилаётган мақсадли тадбирлар натижасида кейинги 6 йил ичида жами 13896 дон трактор, 3960та трактор тиркамаси, 3603та култиватор, 1076та дон ўриш комбайни ва бошқа юқори унумли техникалар харид қилинган. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш дастурларида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик тармоғини модернизация қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сир эмаски, юртимизда чорвачилик тармоғи жадал ривожланиб бораётган тармоқлардан бири бўлишига қарамасдан, соҳада ўз ечимини қутаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан чорва молларининг махсулдор ва касалликларга чидамли зотларининг етишмаслиги, чорвачиликнинг мустахкам озуқа базасини яратиш борасидаги муаммолар шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда ишлаб чиқариш воситаларидан, улардан фойдаланишнинг иқтисодий самардорлигини оширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим.

- Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўсишига
- Хайвонлар махсулдорлигининг ошишига
- Махсулот сифатининг юксалишига
- Минерал ўғитлар, озуқалар, уруғлар ёқилғи махсулотининг тежамли сарфланишига.

Ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланишда қуйидаги йўналишга эътибор бериш керак:

- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган меҳнат предметларини тадбиркорлик билан арзонроқ баҳоларда сотиб олиш ўзларида ишлаб чиқариладиганлари таннархини тушириш ва сифатини яхшилашга.

- Мехнат ва маблағ сарфларини тежаш бунинг учун янги техникалар, илғор технологиялар кенгроқ ва тезроқ жорий этилишини таъминлашга.
- Айланма воситаларнинг оптимал таркибини таъминлашга.
- Айланма фондларнинг айланиш даврини қисқартиришга.
- Илмий техник тараққиёт натижаларини қишлоқ хўжалигига жорий қилишга.
- Мехнатни ташкил қилишни такомиллаштириш ва уни рағбатлантиришни ривожлантиришга.

Бу кабиларнинг ҳал этилиши келажакда қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш воситаларидан, фондлардан, маблағлардан йил давомида самарали фойдаланишни таъминлайди.

Битирув малакавий ишда яна “Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истикболлари” мавзусида назарий ва амалий дарс ўтиш ишланмалари ишлаб чиқилган.

Назарий дарс ўтиш ишланмасини ишлашда муаммоли вазият усулидан фойдаланилган. Таълим жараёнида муаммаоли вазият усулидан фойдаланиб дарс ўтилса талабаларни мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиради. Мавзу бўйича муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларини топишни ўрганадилар. Талабани билим ва қобилиятини баҳолаш учун яхши имконият яратилади.

Амалий машғулотда “Ролли ўйин” методидан фойдаланилган. Бу методдан фойдаланилганда ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берилади. Ўқитувчи томонидан олдиндан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этишади. Ҳар бир роль бажарувчи талабани баҳолаш имкони бўлади. Бу методни қўллаётганда иложи борида кўпроқ талабаларни жалб қилишга яъни роллар беришга ҳаракат қилинади.

Мавзу юзасидан педагогик технологиялар ёрдамида ўқитиш услуби ишлаб чиқилган бўлиб, шундай хулосага келиш мумкин;

- таълим сифати, ўқитиш мазмуни ва самарадорлигини амалга ошириш;
- янги педагогик технологиялардан фойдаланиб кўпроқ дарс ўтишни ташкил этиш;
- талабаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ва қарорлар қабул қилиш санъатини ривожлантириш;
- интерактив методдан фойдаланиб ўқитувчи ва талаба ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириб, келажакда талабаларнинг ўзлаштириш даражасини ошириш ва таълим сифатини янада яхшилашга имкон яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Г.Г. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори – Т. Шарқ 1997й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни янги тахрирда Халқ сўзи. 15октябрь 2004-йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонуни. II Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар. Т. Ўзбекситон 1992-й. 19-бет.
4. Ўзбекситон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий хужжатлар тўплами. 1-қисм. Т. Шарқ 1998й.
5. Ўзбекситон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўзи 6-июн 1998й.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. Халқ сўз. 7-январ 2012йил.
7. Каримов И.А. Юксак малакали мутахасислар тараққиёт омили. Т. Ўзбекистон 1995й.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон. 1998й.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон. 1999й.
10. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т. Ўзбекистон. 1999й.
11. Каримов И.А. Жахон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т. Ўзбекистон 2009й.
12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасида 2009-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2010-йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси Халқ сўзи. 2010йил.

- 13.Каримов И.А. БМТ саммити минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқи. Халқ сўзи. 2010йил 22 сентябрь.
- 14.Каримов И.А. Мустақиллика эришиш оstonасида. Т. “Ўзбекситон”. 2011йил. 440бет.
- 15.Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. Т. Янги аср авлоди. 2004йил.
- 16.Эргашев Р.Х. қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. Т. Expreum press. 2011-йил. 416 бет.
- 17.Хамраева С.Н. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари. Т. Фан ва технология. 2010йил. 148-бет.
- 18.Эргашев Р.Х., Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т. Янги аср авлоди. 2012йил. 320 бет.
- 19.www.ise.iip.net.
- 20.www.school.edu.ru.
- 21.www.ppsy.ru.
- 22.www.wwings.ru.
- 23.<http://www.usda.gov/programs>.
- 24.<http://www.iuf.ru>
- 25.<http://geliopax.tele-kom.ru>.

Мундарижа

Кириш	4
1. Фан ва мавзунинг тавсифи	8
1.1. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёт фанининг мутахасис тайёрлашдаги ўрни	8
1.2. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёт фанининг фанлар билан узвий боғланганлиги	9
1.3. Касб хунар коллежларининг мақсад ва вазифалари	10
2. Ўқитиш методикасининг умумий масалалари	12
2.1. Дидактика унинг тамойиллари ва қонун қоидалари	12
2.2. Касбий таълим бериш жараёни	15
2.3. Дарснинг ташкилий шакллари танлаш ва асослаш дарс унинг турлари ва тузилиши	18
2.4. Ўқув жараёнининг ўқув меъёрий хужжатлари дарснинг методик таъминоти	21
2.5. Таълим методлари. Ўқитиш методларини танлаш ва асослаш	24
2.6. Илғор педагогик технологиялар	28
2.7. Таълим жараёнида техник воситалардан фойдаланиш	31
2.8. Масофавий таълим технологияси ҳақида тушунча	34
2.9. Инновацион педагогик технологияларнинг асосий принцип ва қоидалари	37
2.10. Муаммоли вазият методи	39
2.11. Интернет янгиликлари	41
3. Ижтимоий – иқтисодий масалалар мажмуаси	45
3.1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари ҳақида тушунча уларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари	45
3.2. Фан техника тараққиёти, унинг йўналишлари ва интенсив технологиялар	57

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш воситалардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омиллар _____	63
3.4. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлашда ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланиш йўналишлари _____	77
4. Назарий дарс ўтиш методикаси _____	86
4.1. Касб хунар коллежларида назарий таълим беришнинг асослари ____	86
4.2. Фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари мавзусидаги маъруза машғулотининг таълим технологияси _____	88
4.3. Маъруза машғулотининг технологик харитаси _____	91
4.4. Фермер хўжаликларининг ишлаб – чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари _____	92
5. Амалий машғулотнинг ўтказиш методикаси _____	97
5.1. Амалий машғулот ўтиш юзасидан методик кўрсатма _____	97
5.2. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш мавзусида амалий таълим бериш технологияси _____	99
5.3. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш воситалари ва улардан фойдаланиш истиқболлари мавзусида амалий машғулотнинг технологик харитаси _____	101
5.4. Ролли ўйинлар асосида амалий машғулот ўтказиш методикаси ____	103
Хулоса _____	107
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____	111
Мундарижа _____	113